



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ЎТМОЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

39 (145)-сон, 2006 йил 5 октябрь

www.21asr.com

МАФКУРА

3 Миллий ғоя миллатнинг олий идеалини, узоқ муддатли мақсадларини, орзу-умидларини, иродасини, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос тарихий "даво"сини умумий шаклда ифодалади



ИҚТИСОДИЁТ

7 Микрокредитлар ажратилиши ва микролизинг хизматлари эвазига 3 ой ичида 180 та янги иш ўрни яратилди



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 Сиёсатда ҳақ эмас, аксинча, кимда ҳуқуқ бўлса, ўша ҳақ...



Ташриф ниҳоясига етди

МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН КЕЛГАН ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚУРМАНБЕК БАКИЕВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ Ш.МИРЗИЁЕВ ХАМРОҲЛИГИДА 4 ОКТЯБРЬ КУНИ САМАРҚАНДГА КЕЛДИ.

Олий мартабали меҳмон шаҳар билан танишувни Улғбек расадхонасидан бошлади. Шоҳи Зинда ва Регистон мажмуалари, Ғури Амир мақбарасини зиёрат қилди.
— Ўзбек ва қирғиз халқлари қадим-қадимдан бир за-

минда яшаб келади. Бугун Самарқандда буюқ аждоқларнинг бунёд этган муҳташам обидаларни томоша қилиб, ҳайратга тушдим. Бу бетакрор ва бебаҳо ёдгорликларнинг кўз қорачигидек асралаётгани жуда муҳим аҳамиятга эга, —

деди Қ.Бакиев.
Шу билан Қирғизистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(Ўза)

Миллий ғоя ва миллий матбуот

МАЪЛУМКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА РҮЙ БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАР ИНСОНИЯТ ОЛДИГА ЭНДИ ҚАНДАЙ ЯШАШ КЕРАК, БИЗ ҚАЙ ЙҮЛДАН БОРАМИЗ, АСОСИЙ ФАОЛИЯТИМИЗ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ БҮЛАДИ, МАҚСАД ВА ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗНИ РҮЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ЙҮЛ ТАНЛАГАНМИЗ МАЪҚУЛ, УМУМАН, ЯШАШДАН ҚАНДАЙ МАҚСАДИМИЗ БОР, ҚАБИЛИДАГИ САВОЛЛАРНИ ҚҮЙИБ КЕЛГАН.

Миродил АБДУРАҲМОНОВ

Бугун биз тарихнинг қай бир бурилиш нуқтасини таҳлил қилишга уринмайлик, одамзотнинг маълум ғоялар атрофида бирлашганига, ана шундай эзгу ғояларни эса ўз даврининг фидойи кишилари, салоҳиятли ва том маънодаги ташаббускор инсонлари ўртага ташлаганига гувоҳ бўламиз.

Ортбосимиз томонидан асослаб берилган, жамиятимиз тараққиётининг мафкуравий та-

мойиллари ифода этилган, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиладиган яхлит таълимот бугунги кунда халқимизни бирлаштириб турган ана шундай ғоядир.

Одатда файласуфлар ғояни даврнинг моҳиятини ифодаловчи категория, дея таърифлайдилар. Ҳўш, давримизнинг ана шу асосий моҳияти — миллатнинг умид-истаклари, мақсад ва режаларини рўёбга чиқариш, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фа-

ровон ҳаёт барпо этиш жараёнида миллий матбуотимиз олдида қандай янги вазифалар пайдо бўлмоқда?

Бизнингча, бугун ҳар қандай фуқаро қаерда, қандай вазифада хизмат қилмасин, ўз халқи, Ватани, жамияти тақдири учун масъул эканлигини унинг онгига синдириш, ёшларимизда эса ана шу туйғунни изчил шакллантириш матбуот олдидаги бирламчи вазифа, десак, хато қилмаган бўламиз.

Давоми 3-саҳифада.

Тарихий илдизларимиз муштарак

Туронзамин деб аталадиган бу тарихий маконда азал-азалдан қозоғу ўзбек, қирғизу туркман бир жону бир тан бўлиб яшаган, умргузаронлик қилган, дўстлик ва ишонч ришталари асло узилмаган. Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ана шу алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга хизмат қиладди, албатта.

Раҳматилла ЖАББОРОВ, республика қирғиз маданият маркази раҳбари


Бугунги кунда мамлакатимизда 230 мингдан зиёд қирғиз миллати вакиллари яшашаяпти. 56 та мактабда 22 минг нафар қирғиз ёшлари ўз она тилиларида таҳсил олишмоқда. Андижон педагогика институтида қирғиз тили ва адабиёти факультети фаолият кўрсатмоқда. Республика Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маданият марказлари ҳар томонлама қўлла-қувватланаётгани тахсинга сазовордир. Ўзбекистон ҳукумати турли маданий тадбирларни уюштириш ва ўтказиши учун қирғиз маданият мар-

казидан ўз ёрдами аямаяпти. Масалан, жорий йилнинг 28-30 июль кунлари Қирғизистон Республикаси Норин вилоятида бўлиб ўтган "Сон - Кўлни Манас жердеген" халқаро фестивалида қирғиз маданият маркази фаоллари Ўзбекистон хайрати аъзолари сифатида иштирок этдилар. Халқаро фестивал доирасида ўтказилган мулоқотлар ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини яна бир бор намоиш этди.

Ўзбекистон — унинг ҳудудида яшовчи барча қардош халқлар ва миллатлар қатори биз, қирғизлар учун ҳам иккинчи она ватандир.

Андижон, Наманган, Фаргона,

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида қирғиз маданият марказлари томонидан ҳозиргача "Ватан ягонадир, Ватан биттадир", "Қудратимиз — бирлик ва ҳамжихатликда" шiori остида дўстлик фестиваллари, турли кўрик-танловлар ўтказилди. Қирғиз маданияти, тарихи, миллий урф-одатларини кенг тарғиб қилиш миллий урф-одат ҳамда аъналаримизнинг давомийлигини таъминлашга, ёшларни эзгу ғояларга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўйлаيمان-ки, Қирғизистон Республикаси Президентининг ташрифи ҳар икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, турли соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.



Мамлакатимиз ҳаётида чуқурлашиб бораётган ислохотлар ишлаб чиқаришда юқори сифат ва самардорликка эришиш имконини бермоқда. Бундан ташқари "Сурхондариё" акциядорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхона жамоаси ўз бизнес режасига эга бўлиб, шу асосда изланишларини давом эттирмоқда. Натижада маҳсулот турлари кўпайтириши, аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириши имкони туғилаётган. Утган йили хоризжлик истеъмолчиларга 3600 тонна ёғ, 1000 тон-

на кунжара сотилди. Ана шу ҳисобдан 1 миллиондан зиёд АҚШ доллари миқдориде валюта тушуми таъминланди. Олинган фойда асосан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жамоа аъзоларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириши йўлида сарфланапти.

Ҳозирги кунда янги ҳосил чигити қайта ишланиб, истеъмолчиларга таркиби бойитилган сифатли ёғ-мой маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Давоми 6-саҳифада.

Германия делегациясининг ташрифи

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги сиёсий департаменти директори М.Шефер раҳбарлигидаги делегация 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришда, жумладан, унинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутгани қайд этилди. Томонлар Ўзбекистон билан Германия олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатлар-

нинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти, унда Қонунчилик палатасининг ўрни ва вазифалари, фракциялар турисиде атрофлича маълумот берилди.

(Ўза)

Узоқ ва яқин хоризда

Ички низо бўлса, ташқи фанимининг кераги йўқ

Сешанба куни АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ХАМАС партиясини Фаластин мухториятини бошқаришга қодир эмаслиқда айблади, деб хабар беради Associated Press.

Райс Саудия Арабистонида бўлган пайтида ХАМАС Фаластинни тўлақонли бошқара олмайди, чунки у халқро майдонда мухторият ҳуқуқларининг масъулиятли вакили сифатида қатнашишга қодир эмас, деб айтди.

У мухторият раҳбариятини президент Махмуд Аббос билан ҳамкорлик қилишга даъват этди. Шунингдек, ХАМАС ва ФАТХга мурожаат қилиб, ўзаро қарама-қаршиликни тўхтатишга чакирди. Райсининг фикрича, зиддиятлар оқибатида беғуноҳ фаластинликлар қурбон бўлишяпти.

Ҳал шундаки, 1 октябрдан кейин Фаластиннинг бу икки партияси тарафдорлари ўртасидаги кураш ниҳоятда кескин тус олди. Мухторият ҳудудида ўқотар қуроллар ишлатилган ҳолда очикдан-очик жанговар тўқнашувлар бошланиб кетди. Натижада ҳар икки томондан камиде 12 нафар киши ҳаётдан қўз юмган.

Тартибсизликлар бошланишига аксарияти ФАТХ партияси вакиллари иборат бўлган давлат хизматчиларига ХАМАС ҳукумати маош тўламай қўйгани сабаб бўлди.

Рим Папасидан паноҳ излаб

Ўтган куни кечқурун Грециянинг ҳаво кенглигида йўловчи ташийдиган самолёт бир жиноятчи томонидан қўлга олинди. У Туркия фуқароси, 28 яшар турк-христиан Хокон Экинжи бўлиб чиқди. Самолёт Италиянинг Бриндизи шаҳрида шошилинч равишда қўндирилганидан кейин босқинчи йўловчиларни қўйиб юборди.

Дастанли маълумотларга қараганда, самолётни қўлга олган жиноятчи яқка-ёғиз ҳаракат қилган. Бундай йўл тутишига унинг ўз ватанига қайтишни истамагани сабаб бўлган. Чунки Туркияда Хоконни армиядан қочганлиги учун қамоқ жазоси кутаётган эди.

2006 йил май ойида Экинжи ўзбошимчалик билан ҳарбий қисм жойлашган ердан қочиб, Албанияга қараб йўл олди, бошлана беришларини сўради. Аммо мамлакат маъмурлари бунга кўнмадилар ва Туркияга қайтариб юборишни маъқул қўрдилар. Экинжи "Туркиш эйрлайнс" авиакомпаниясининг Тиранадан Истанбулга уяётган самолётга ўтказиб юборилди. Бироқ парвоз пайтида у учувчилар бўлмасига киришга муваффақ бўлди ва дўк-пўписи қилиб, ҳаво кемасини Италия томон қайтаришга экипажни мажбур этди. Самолёт Бриндизи аэродромига мажбурий равишда қўндирилган, жиноятчи маъмурларга таълим бўлди.

Экинжи Италияга учинч таслими Рим Папасидан бошпана сўраш истаги билан изохлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 3 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиши, шунингдек, бошқа валюта ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоризжий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгиледи:	1 Австралия доллари 916,14	1 Миср фунти 214,75	1 Польша злотийси 392,82	10 Жанубий Корея воени 12,99
	1 Англия фунт стерлинги 2301,23	1 Исландия кронаси 17,54	1 СДР 1816,73	10 Япония иенаси 104,06
	1 Дания кронаси 209,15	1 Канада доллари 1100,86	1 Туркия лираси 813,31	1 Россия рубли 45,95
	1 БАА дирҳами 335,05	1 Хитой юани 155,66	1 Швейцария франки 982,78	1 Украина гривнаси 243,67
	1 АҚШ доллари 1230,54	1 Малайзия ринггити 333,71	1 ЕВРО 1558,36	

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ бозор иқтисодиёти йўлини танлаган ҳар қандай мамлакат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдан манфаатдор


Қимматли қоғозлар — иқтисодиёт таянчи

Мустақил тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир мамлакат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатимизда бу соҳага катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори фикримизга ёрқин мисолидир.

■ А. ПУЛАТОВ,
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт яқунлари ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида сўзлаган нутқид ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратган эди. Зеро, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви тақомиллаштириш ҳамда бошқарувда акциядорлар ролини кучайтириш жамият истиқболлини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳужалиқ юртишнинг акциядорлик шакли бошқа ташкилий-ҳуқуқий тузилмаларга қараганда ҳаққатан ҳам қатор афзалликларга эга. Энг аввало, бундай жамиятлар сармоядорларнинг катта миқдордаги маблағларини бир жойга жамлаш имконини берса, иккинчидан, акциялар миқдорига қараб ҳар бир сармоядор жамиятини бошқаришда иштирок этиш, киритган маблағининг ҳақиқий ҳисобидан қўшимча эга бўлади.

Маълумки, акциядорлик жамиятлари умумий йиғилиш, кузатув кенгаши ва ижроия органлари томонидан бошқарилади. Умумий йиғилиш акциядорлик жамиятининг олий органи ҳисобланиб, корпоратив бошқаруви асосий бўлини ташкил этади. Бу корпоратив бошқариш демократик усуллардан бири эканлиги ривожланган давлатлар тажрибасидан маълум. Юртбошимиз қарорида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви тақомиллаштириш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.



Барча жойда бўлганидек, вилоятимизда ҳам юқоридаги қарор талабларидан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятлари ва қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тақомиллаштириш учун зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Ҳозиргача мажмууд 142 та ошқ акциядорлик жамиятининг 127 тасида 2005 йил яқунлари бўйича акциядорликнинг умумий йиғилиши ўтказилди. 16 та жамият раҳбарлари, шунингдек, 57 та акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раҳбарининг 125 нафар аъзоси ва 46 та акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 77 нафар аъзоси янгида сайланганди. Бундан мақсад жамиятлар фаолиятини янада тақомиллаштиришди. Очигини айтганда, айрим акциядорлар ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билишмайди. Ижроия органи фаолияти устидан назорат суст. Жамият манфаатидан қўра шахсий манфаатларни устун қўйиш ҳолларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Маблағларни мақсадсиз сарфлаш, зарар ҳисобига ишлаш корхоналарни охири-оқирати банкротлик ёқасига олиб келади. Корпоратив бошқарув тақомиллаштиришга қатъий амал қилинмаганлиги, бизнес режа шартлари тўлақонли бажарилмаганлиги сабабли учта акциядорлик жамияти 2005 йилни

зарар билан, иккитаси учма-уч яқунлаган.

Корпоратив бошқарувнинг афзаллигини, энг аввало, олинган соф фойда, акциядорлар ўртасида тақсимланадиган дивидендлар мисолида яққол кўриш мумкин. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази вилоят бошқармаси таҳлиллари асосида сўнгги уч йил мобайнида энг кўп соф фойда олган ва акциядорларга энг кўп дивидендлар тўлаган ўн та акциядорлик жамиятлари танлаб олинди. "Куваосийемент" акциядорлик жамияти уч йилдан бери улар орасида биринчиликини қўлдан бермай келмоқда. Аввал банкротлик ҳолатида бўлган, яқинда санациядан чиққан "Фарғона газ аппаратлари заводи" АЖ 2005 йил яқуни бўйича 3-ўрини эгаллашга муваффақ бўлганлиги янгича бошқарувнинг самарасидан далолат беради.

Албатта, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқаруви тақомиллаштириш қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш имконини берибгина қолмай, мамлакатимизда қўл укладли иқтисодиётни шакллантириш, ишлаб чиқаришда эркин рақобат муҳитини яратишга хизмат қилиши шакл-шубҳасиз.



Пахтакорлар ҳузурида

Мамлакатимиз далаларида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Теримчи ва ҳашарчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун жойларда турли хил кўнгилояр тадбирлар уюштирилаёпти.

■ Ўз муҳбиримиз

О'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманидаги "Қурол ота" фермер хўжалигида бўлиб ўтган учрашувда партия фаоллари, фермерлар, тадбиркорлар, партия туман кенгаши раиси депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари О. Шарипов тадбирни очар экан, миллий бойлигимиз — пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, мавсумни уюш-қоқлик билан ўтказиш борасида партия фаоллари олдида турган вазифаларга тўхтади.

Тадбирда сўзга чиққанлар кенг омма ўртасида ижтимоий фаолликни ошириш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш билан бирга жойларда ислохотларни чуқурлаштириш, турли сиёсий партия билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Тадбир доирасида бир гуруҳ теримчи ва ҳашарчиларга хомийларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Таниқли санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар, сўз-усталарнинг чиқишлари йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

Ҳиммат

О'zLiDeP Пахтаобод туман кенгаши пахта йиғим-терими олдидан хайрли ташаббус билан чиқди. Ўйда ўтирган 140 нафар хотин-қиздан иборат алоҳида бригада тузилди. Эйни кунда улар зўр ғайрат билан ишлаб, эл ғирмониға муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

■ Ўз муҳбиримиз

Бу борада Иродагон Қаҳҳорова, Дилфузахон ва Насибан Ахмедова, Жононхон Болтаева бошқаларга ибрат бўлишапти. Яқинда ҳашарчи аёллардан бир гуруҳи даланинг ўзида О'zLiDeP сафига қабул қилинди.

Далада байрам

Тошкент вилояти. Партия вилоят кенгаши томонидан Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Ўқитувчиларнинг "Учкун" ҳамда Чиноз туманидаги "Янгиобод" фермер хўжаликлариди "Устозлар — баркамол авлод тарбиячилари" мавзюида байрам тадбирлари ташкил қилинди. Пахта далаларида йиғим-терим ишларига жалб этилган устозлар ва талабалар ҳам ушбу йиғилишларга таклиф этилдилар.

Сўзга чиққанлар устозларни қўлтуғ айём билан табриқлаб, пахта мавсуми ва унда халқ таълими фидойиларининг иштироки, ҳар бир фуқаронинг юртимиз келажиги ва раънақиға қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапирдилар, ўқитувчиларга байрам совгалари топширдилар. Ҳар иккала тадбирда партиянинг республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгаши вакиллари, фермерлар, тадбиркорлар ва таниқли санъаткорлар иштирок этдилар.

Ошқора мулоқот

Тошкент шаҳри. 29 сентябрь куни Чилонзор туманидаги 1 сонли педагогика коллежиди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда партиянинг Чилонзор туман кенгаши томонидан "Тадбиркор — элга мадақдор" мавзюида давра суҳбати ўтказилди.

Анжуманда Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Йиғилишда тадбиркорлар ва маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ўрганиб чиқиш, уларнинг ечимини топиш, шунингдек, ишбилармонларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида сўз борди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти асослари тобора шаклланиб бораётган ҳозирги даврда тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Қизгин баҳс-мунозаралар тарзида кечган тадбирда иштирокчиларни кўпроқ баънкар билан олиб борилаётган муносабатлар масаласи қизиктираётгани маълум бўлди. Тадбиркорларнинг банка топширган нақд пулларини ўз вақтида қайтариб олиш муаммолари ҳақида саволлар ўртага ташланди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази масъул ходимлари иштирокчиларни қизиктирган саволлар юзасидан тегишли жавоблар ва кўрсатмалар беришиди.

Кўнгилли учрашув

Самарқанд. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Пастдарғом туманида байрамона учрашув ташкил қилинди. Тадбир тумандаги фермер хўжаликлариди пахта далаларида бўлиб ўтди.

Унда ҳашарчи мураббийлар байрам билан табриқлаб, фермерларга камарбаста бўлаётган талабалар ҳам рағбатлантирилди. Мазакур тадбирлар давомида партия вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шу йил 25 августда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарориди қайд этилганидек, мафқуравий, ғоявий ва ахборот курашлари қучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ёшларимизни турли мафқуравий ҳужурадан ҳимоя қилишнинг маънавий-маърифий усуллари ва бу борадаги О'zLiDePнинг позицияси юзасидан аниқ фикрлар билдирдилар.

Мафқуранинг долзарб жабҳаси

Жиззах. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят ҳамда Форш тумани кенгаши раиси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Жиззах филиали билан ҳамкорликда 28 сентябрь куни Форш тумани маиший хизмат касб-хунар коллежиди "Аёл ва дин" мавзюида учрашув уюштирилди.

Ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий тарғиботи қучайтириш бугуннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мафқуравий ва ахборот ҳужурали авж олаётган бир пайтда айрим гаврали куллар динни ниқоб қилиб олиб, биринчи галда ёшлар, қолверса, хотин-қизлар онгини захарлашга уринишавгани, бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун ёшларимизни ҳар жиҳатдан маънавий камол топтириш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, йиғилишда мавзюга оид маърузалар тингилди, диннинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти хусусида муҳим фикрлар ўртага ташланди.

МУНОСАБАТ

ТАДБИРКОР — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

ШАРҲЛАР

ДАЛИЛЛАР,

ВОҚЕАЛАР,

Устозлар меҳр оғушида

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг барча гўшаларида бу йил ўқитувчилар ва мураббийларнинг касбий байрами ҳар галгидан кўра файзли, кўтаринки руҳда нишонланди. Бунинг ҳақабанлари жойи йўқ, зеро, келажикимиз эгалари — ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясини ўз зиммасига олган устозларга халқимизнинг меҳр-муҳаббати чеқсиз.

■ Ўз муҳбиримиз

Табаррук айём арафасида Президент Фармониға биноан ўқитувчилар ва мураббийлардан катта бир гуруҳнинг меҳнати юксак қадрланиб, фахрий унвонлар, ордон ва медаллар билан тақдирлангани, Юртбошимизнинг ўқитувчи ва мураббийларга йўлаган табриқнома-маси байрам шукўнлари яна ҳам ошириб юборди. Айниқса, табриқномадаги "Агарки дунё иморатлари ичида энг улуги мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир", деган сўзлари соҳа ходимларига алоҳида руҳ бағишлагани шубҳасиз.

Умумхалқ байрами Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида ҳам тантанали равишда нишонланди. Ижроия қўмитанинг мажлиси депутатлари Набия Рўзमतова ва Сора Ахмедова, "Дилбар — давр қизи" фирмаси раҳбари Дилбар Хўжаева, "XXI asr" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Тоҳир Мирходиев ва бошқалар давра ахлиға дил сўзларини изҳор



етишди. Ўзбекистон халқ шоираси Халима Худойбердиева ўз ижод намуналаридан ўқиб берди. Шундан сўнг шеърхонлик бошланиб кетди. Ҳаваскор шоирлар бирин-кетин минбарга кўтарилиб, она-Ватан, мустақиллик, устозлар ҳақида шеърлар ўқидилар.

"Сизга таъзимдадир жумлаи жохон" деб номланган мазакур маросимда ўқитувчи ва мураббийлардан бир гуруҳиға байрам совгалари топширилди.

Шахрихонлик якка тартибдаги тадбиркор Юлдуз Усмонова бозор ичида жойлашган савдо дўқонида фаолият юртиб келарди. Нима бўлди-ю, дўқондан ташқарида савдо қила бошлади. Худди шу пайт прокуратура ҳузурида Солиқ ва валютага оид ҳужжатларга ва жисмоний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаментининг туман бўлими ва давлат солиқ инспекцияси ходимлари текшириш ўтказиб қолишди.

Юлдуз УСМОНОВА жаримадан озод этилди

■ Аъзам КОДИРОВ

Текширишда ишлаб чиқарилган жойи, сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган жами 436300 сўмлик газлама сотилаётгани маълум бўлди. Тадбиркор Вазирлар Маҳкамасининг "Ноозик-овкат истеъмол товарлари билан савдо қилишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари" талабини бузган эди. Текширувчилар ушбу ҳолат бўйича вилоят ҳўжалиқ судиға давво аризаси киритиб, Солиқ кодексининг 135-моддаси, 14-бандиға асосан тадбиркор деҳқон бозориди жойлашган турғун савдо шохобчасидан ташқарида ноозик-овкат истеъмол товарлари савдоси билан шуғуллангани учун унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдориди молиявий жарима қўлашни сўрашган эди. Суд мажлисида даввогарларнинг кўрсатмасиға биноан тадбиркор томонидан содир этилган ушбу ҳуқуқбузарлик оқибатида давлат бюджетига ҳеч қандай зарар етказилмагани таъкидлаб ўтилди.

Президентнинг 2005 йил 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалиқ соҳасиди ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Фармони 1-бандиди тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларға нисбатан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланиши кўрсатилган. Энг муҳими — ҳуқуқбузарлик оқибатида бюджетга ҳеч қандай зарар етказилмаган. Суд шу ҳолатларни ҳисобға олиб, тадбиркор Юлдуз Усмоновани молиявий жарима ҳазосидан озод этди. Энди тадбиркор молиявий жаримаға тўлаши лозим бўлган энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдориди маблағ, 1 миллион 80 минг сўми савдо фаолиятини кенгайтиришга ишлатади.

ЖАРАЁН

МЕҲНАТ бизни уч хил
иллатдан: зерикиш, қусур,
муҳтожликдан халос этади.

Касаначилик

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИФИ, О'ЗЛИДЕР АЪЗОСИ АЗАМАТ ГАВАШОВНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА АСОСАН, 3670 КИШИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН. КАСАНАЧИЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН КОРХОНАЛАРДА 230 МЛН. СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИБ, 29,2 МЛН. СЎМ МАБЛАҒ ТЕЖАБ ҚОЛИНГАН.

■ Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr» мухбири

— Дарҳақиқат, мазкур долзарб муаммони ечиш нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эгадир. Вилоят ҳокимлигининг 2005-2007 йилларга мўлжалланган «Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастури»га мувофиқ, жорий йил давомида 50,6 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Утган давр мобайнида мазкур дастур бажарила бориб, янги объектиларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, юридик шахс макомига эга бўлмаган тadbиркорликни ривожлантириш ҳисобига 26,6 мингта ўрнига 42,5 мингта янги иш ўрни очилди. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 1132, бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига эса, 158 нафар одам иш билан таъминланди.

Вилоятимизда амал қилаётган «Оилаларнинг барқарор даромад манба-ларини шакллантириш концепцияси»га асосан тоғ, тоғолди ва лалмикор ҳудудларда фуқароларнинг оилавий бандлигини таъминлашнинг энг қулай ва арзон усули — деҳқон хўжалиқлари ҳамда оилавий тadbиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нега шунча тармоқ ва соҳалар ичидан деҳқон хўжалиқлари танлаб олинди, деган савол туғилиши мумкин. Кўп харажат қилишни талаб этмасдан, тез ва нисбатан кўп даромад келтирадиган соҳа ҳисобланган деҳқон хўжалигини ривожлантириш учун оилаларга қўшимча ер ажратиб бериш, оилавий тadbиркорларга эса оиланинг касбий мойиллигидан келиб чиқиб, молиявий қўллаб-қувватлаш кифоя қилади. Шунинг учун ҳам охириги 4-5 йил ичида бош бошқарма Иш билан таъминлашга жамлашувчи давлат жамғармаси маблағларининг 80-85 фоизини микрокредит тарикасида айнан шу тармоқни ривожлантиришга йўналтиряпти. Вилоятнинг sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконияти кам бўлган ҳудудларида 8,8 мингта деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларга 3,2 минг гектар ер майдони ажратилди. Ушбу тармоқни ривожлантириш ҳисобига 13 минг нафардан ортиқ фуқаро иш ўрни ва меҳнат даромадига эга бўлди. Шунингдек, 1,1 мингта оилавий тadbиркорлик субъектининг ташкил этилиши ҳисобига 2,2 минг киши иш ва даромад манбаи билан таъминланди. Ҳозир жами 6,7 мингдан ортиқ оилавий тadbиркорлик субъектида 13,5 мингдан зиёд фуқаро иш

билан банд.

— Ширкат хўжалиқлари тугатилгач, кўпчилик аҳоли ишсиз қолди. Уларни иш билан таъминлаш учун қандай чоралар кўрилмақда?

— Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги қарорига асосан, «Фермер хўжалиқларига айлантirilган кишлоқ хўжалик корхоналаридан бўшаган ходимларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш дастури»га кўра, бўшалган ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмаётган. Вилоятдаги 9 та туманда 30 та ширкат хўжалиги фермер хўжалиқларига айлантirilди. Уларда турли лавозим ва вазифаларда ишлаган 37,2 мингта ходимдан 34,9 мингтаси фермер хўжалиқларида ишламоқда. Қолганлари эса янги ташкил этилган иш ўринларига, корхона ва ташкилотларга жойлаштирилди.

Шу ўринда бошқа бир муаммо хусусида айтиб ўтсам, Фермер хўжалиқларида ёлланиб ишлаётган фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини тўлиқ ҳимоялаш имконияти йўқ. Бунинг учун собиқ хўжалиқларнинг касаб-ушмаси кўмиталари шу ҳудудда тузилган фермер хўжалиқларини ўз таъ-

сирига олиб, ҳар бир фермер хўжалиги билан жамоат шартномаси тузиб, уларда ишловчиларга, Меҳнат кодексда қайд этилганидек, амалдаги энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ва касаллик варақаларига ҳам ўз вақтида ҳақ тўлаш, болаларига нафақа ва шу каби ижтимоий ҳимоялаш шартларини ҳам кириштириб, уларнинг бажарилишини назорат қилиши керак. Бундан ташқари, ҳар бир ишловчига меҳнат дафтарчаси очиб, пенсия жамғармасига пул ўтказиш борасида ҳам ечимини кутаётган муаммолар бор. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш лозим. Эртага ишловчи касал бўлиб қолса ёки пенсияга чиқмоқчи бўлса, муаммолар юзага келиши турган гап.

— Касаначиликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш даражаси қандай? Бу боралдаги муаммолар нималардан иборат?

— Утган даврда фуқароларнинг уйда меҳнати ташкил этиш ҳисобига 7748 та янги иш ўрни яратилди. Президентимизнинг «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا асосан, йирик sanoat корхоналари-



да касаначилик меҳнатини ташкил этиш эвазига 3670 киши иш билан таъминланди. Мазкур йўналишда кўрилатган чора-тадбирлар натижасида қўшимча равишда 8,6 мингга яқин фуқаро касаначиликка жалб қилиниб, доимий иш, меҳнат «стажи» ва даромад манбаига эга бўлди. Касаначилик меҳнатини ташкил этган корхоналарда қўшимча даромад олиши имконияти туғилди. Вилоятдаги 45 та йирик sanoat корхонаси билан 3670 нафар фуқаро ўртасида касаначилик меҳнати бўйича шартномалари тузилиб, 7 турдаги ишларни бажариш ҳисобига 230 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Касаначилик меҳнатини ташкил этган корхоналарда ҳуқуқат томонидан берилган имтиёزلардан фойдаланиш эвазига 29,2

млн. сўм маблағ иқтисод қилинди. Шундай йўл билан яратилган иш ўринларининг 2462 тасида хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда. Бунда хотин-қизлар кийим-кечаклар, фартук, чодир, махсус кийим, футбол тўпи ва хўжалик сумкалари ишлаб чиқариш, қоп тикиш, гилла тўкиш, махсулотларни тозалаш, қадоқлаш ва русумлаш, қандолатчилик ишларига жалб этилган. Улар яхшигина даромад олиб, рўзгорларига барака киритишяпти. Биз жойлардаги ўрта ва кичик корхоналар, оилавий тadbиркорлик субъектлари билан уй меҳнатини ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Йил охирига 5,8 мингдан ортиқ кам таъминланган оиланинг даромадини бевосита касаначилик билан шугулланиш

ҳисобига ўртача 2-2,5 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса, жойларда иш билан банд бўлмаган ёшларни, уйда ўтирган хотин-қизларни иш ўрни, барқарор даромад манбаи билан таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга хйзмет қилади.

Бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Йирик sanoat корхоналари мавжуд бўлмаган ҳудудларда кичик sanoat корхоналари орқали касаначиликни ривожлантиришни йўлга қўйиб, уларга ҳам белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш керак. Иқтисодий но-чор аҳволга келиб қолган йирик sanoat корхоналарига касаначиликни ташкил этиш орқали молиявий аҳволини тиклаб олиши учун узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратилса, айти мудао

бўлар эди.

— Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қилинаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Жорий йилнинг ўтган даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож 40,3 минг нафар фуқарога, шу жумладан, 2138 нафар ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга 1455,4 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Жумладан, кам таъминланган 209 оилага 602,7 млн. сўмлик 2009 бош қорамол, 1085 оилага 84,3 млн. сўмлик 2060 бош майда шохли мол, 1482 оилага 32,2 млн. сўмлик 12741 та парранда тарқатилди. Шунингдек, 3446 та оила 46,8 млн. сўмлик нақд пул, 16409 та оила 413,3 млн. сўмлик ун, гуруч, ёғ ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди, 1187 оилага 17,9 млн. сўмлик галла тарқатилди, 141 оиланинг тўй ва маросимлари ўтказилди, 1630 та оиланинг 16,4 млн. сўмлик коммунал тўловлари тўлаб берилди. Ҳомийлик ёрдами тарикасида 161 нафар ёлғиз кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уйларида 52,8 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Бандлик масаласини ҳал этишда бошқарма бошлангич партия ташкилотининг ўрни қандай?

— Партияимиз аъзолари вилоятимизнинг турли бурчакларида партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилмоқдалар, десам муболаға қилмаган бўламан. Аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли тadbиркорликни ривожлантиришдир. Жамиятда тadbиркорлик руҳини қарор топтириш олдимизда турган муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Агар ҳар бир инсон ўзидан ҳам тadbиркорлик қобилиятини ишга солса, фаровонликка эришиши турган гап. Партияимизнинг бош гоёси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда давлатдан ёрдам сўраш эмас, балки ички имкониятларни ишга солинган ҳолда — тadbиркорлик қобилиятимизни ривожлантириш йўли билан муаммоларни бартараф этишдир. Тоғолди кишлоқларда бўлганимда, телевизор тузатиш ёки соч-соқол олдириш учун туман марказига қатнаётган фуқароларни учратдим. Холбуки, ўша ерларда ишсиз юрган, шу касб қўлидан келадиган кишилар йўқ эмас. Фақат уларни қўллаб-қувватлаш, микрокредит ажратиш ва йўналиш бериш керак, холос. Жорий йилнинг биринчи ярмида Бандлик жамғармасидан 651,8 млн. сўм имтиёзли ресурс ажратилди. Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 308, Вазирлар Маҳкамасининг 67 сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида кам таъминланган оилаларга сигир ва омухта ем сотиб олишлари учун Бандлик жамғармасидан 571,8 млн. сўм ажратилди. Шундан 434 млн. сўми микрокредит сифатида йўналтирилди. Бу ишларни бажаришда партия аъзолари ташаббус кўрсатдилар. Аҳоли бандлигини ҳал этишда уларнинг хизматлари катта бўлапти. Бирок олдимизда партия ишини жонлантириш, тарафдорлар сонини кўпайтириш, гоёвий-сиёсий ишларни янада қучайтиришдек долзарб юмушлар турибди. Бу биздан сиёсий фаоллик, ташаббускорлик, зиммадаги масъулиятни теранроқ ҳис қилишни талаб этайтир.

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ

«ПАХТАБАНК»

сизлар учун қулай ва манфаатли «Олтин куз» ҳамда «Мураббий» мудаатли омонатларини таклиф этади. Омонатларни сақлаш мудаати 6 (олти) ва 3 (уч) ой бўлиб, йиллик 24 фоиз миқдорда даромад тўланади. Бадалнинг энг кам миқдори — 100 минг сўм. Банк «Олтин куз» омонат тури бўйича ҳисобланган фондларни ойма-ой, «Мураббий» омонат тури бўйича эса омонатни сақлаш мудаати тугаганидан сўнг асосий сумма билан бирга тўлайди. Омонатга қўйган маблағингиз Ўзбекистон Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланганини эсдан чиқарманг. «ПахтаБанк»нинг исталган филиалига мурожаат этиб, даромадингизни янада кўпайтиринг.


«ПАХТАБАНК» СИЗНИНГ КЕЛГУСИ ДАРОМАДИНГИЗ КАФИЛЛАДОР!



ШАХАР АХОЛИСИНИНГ ИССИҚ СУВГА БЎЛГАН КУНДАЛИК ЭХТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, ЖАМОА ЎРТАСИДА СИЁСИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДАДИР



КОРХОНА ФАОЛИЯТИДА НИМАИКИ ХАЙРЛИ ИШ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БЎЛСА, БАРЧАСИДА БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗ ЎРНИ ВА МУНОСИБ ХИССАСИ БОР



БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА


МУАЙЯН МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТГИНА НАФ КЕЛТИРАДИ

Муваффақият калити — мақсаднинг аниқлигида

— ДЕЙДИ БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ЕТАКЧИСИ АБРОР САЙДАЛИЕВ

Ушбу корхонани билмаган, унга иши тушмаган бирор ташкилот ёки муассаса бўлмаса керак. Ҳатто оддий аҳоли ҳам иссиқлик маркази нима эканлигини жуда яхши билади. Айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиганлар.

■ Насиба ИСМАТОВА, «XXI asr» мухбири



Салих ЗОИР (фотос)

— Шундай бўлиши ҳам табиий, — дейди биз билан суҳбатда Аброр Сайдалиев. — Марказимизнинг бошқа ишлаб чиқариш корхоналаридан фарқи ҳам асли ана шунда. Шу боис оддий халқнинг ҳам, раҳбариятнинг ҳам ҳаммиша диққат-эътиборида туради. Бу — бир ҳисобдан яхши. Ҳамма ўз ишига масъулият билан қарайди.

Бошланғич ташкилот етакчиси билан суҳбатимиз давомида унинг хизмат телефони бир неча бор жиринглади. Аброр ака ҳар сафар мурожаат этганларга атрофлича жавоб қайтариб бўлган, биздан уэр сўраб қўярди.

— **Хизматингиз жуда назик экан. Партия ташкилоти ишларида қандай вақт топасиз? —** деймиз қизиқиб.

— Тўғри, иш вақтимиз ниҳоятда тигиз. Аммо ҳаммасига улгуришга ҳаракат қилман. Нафақат бошланғич ташкилот раислиги, балки партиянинг оддий аъзоси бўлишнинг ҳам ўзига яраша масъулияти бор. Бунини О'zLiDePга аъзо бўлаётганимда ҳам, корхонамиздаги маслақдошлар мени ўзларига етакчи этиб сайлаганларида ҳам чуқур ҳис этганман. Корхонамизда бошланғич ташкилот тузилган йиғилишда партиядошларимга партиявий масъулият ва бурч ҳақида гапирганларим сира ёдимдан чиқмайди.

— **Бошланғич ташкилотда қанча аъзо ҳисобда туради?**
— Ҳозирча 32 нафар.
— **Қатта жамоа учун оз эмасми?**

— Бир қарашда шундай. Лекин гап сонда эмас, менимча. Айниқса, бизнинг корхонада. Менинг бирдан, бир мақсадим — партиямиз аъзолари жамоанинг юз-кўзи бўлса. Ҳозирча шунга эришяпмиз ҳам. Бугунги кунда ташкилотимизда ҳисобда турган партия аъзоларининг кўпчилигини инженер-техник ходим-

лар ташкил этишади. Уларнинг аксарияти маълум бир участкага жавоб беришади. Умумий йиғилишларда ҳам, бошланғич ташкилотнинг ҳар ҳафтада бир ўтказиладиган мажлисларида ҳам кун тартибига қандай масала қўйилмасин, унинг мурожаатларида фаолларимиз ажралиб турадилар.

Партия ташкилоти етакчисининг гапларида жон бор. Корхона фаолияти билан таълимий чоғида жамият бошқарувининг раиси Анатолий Кирушенко билан ҳам учрашиб, жамоанинг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари, бошланғич партия ташкилотининг корхонадаги ўрни,

КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ДАСТЛАБКИ ПАЙТДА УНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ БОР-ЙЎҒИ 182 Г КАЛ/СОАТДАН ИБОРАТ ЭДИ, ХОЛОС. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАН СИНГАРИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИССИҚЛИК МАНБАИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ТАРМОҚ КОРХОНАЛАРИ ҲАМ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК МАРКАЗИНИНГ УМУМИЙ ҚУВВАТИ БУГУНГИ КУНДА 4580 Г КАЛ/СОАТНИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.

нуфузи ҳақида ҳам суҳбатлашдик.

— Авваламбор менинг ўзим О'zLiDeP аъзосиман, — деди Анатолий Васильевич. — Шу боис бошланғич партия ташкилотимизнинг қай даражада фаолият юритаётганини жуда яхши билман. Яқинда айтиш мумкин, ушбу масалада О'zLiDeP Мирзо Улуғбек ту-



Аброр САЙДАЛИЕВ, 1974 йили Тошкент шаҳрида, зиёли оиласида туғилган. Мутахассислиги — иқтисодчи. 1996 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг халқро муносабатлар факультетини тугатган. "Тошкент иссиқлик маркази" очик акциядорлик жамиятининг бўлим бошлиғи, О'zLiDeP бошланғич ташкилотининг раиси.

ман кенгашининг раҳбарлари билан ҳам фикр алмашдик. Уларнинг айтишича, бизнинг БПТ туманда энг илғорлардан бири ҳисобланади. Бу баҳо, бошқа партия аъзоларимиз

дек, авваллари "Ўзбекэнергоси" ДАК тизимида кирган, айти пайтда Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли ушбу корхона пойтахтнинг деярли 80 фоиз ҳудудини иссиқлик энергияси ва манбаи билан таъминлайди. Корхона ташкил этилган дастлабки пайтда унинг ишлаб чиқариш қуввати бор-йўғи 182 Г кал/соатдан иборат эди, холос. Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани сингари мамлакатимиздаги иссиқлик манбаи етказиб берувчи тармоқ корхоналари ҳам ҳар томонлама ривожланди. Жумладан, Тошкент иссиқлик марказининг умумий қуввати бугунги кунда 4580 Г кал/соатни ташкил этмоқда.

Айни пайтда ОАЖ тасарруфида 9 та иссиқлик марказ (филиал)лари бўлиб, улар шаҳар аҳолиси, болалар боғчалари, мактаблар, барча ташкилотларни иссиқлик манбаи ва иссиқ сув билан таъминламоқда. Бош корхона ва унинг филиалларида иш жараёнлари замонавий техника жиҳозлари ҳамда компьютерлар ёрдамида амалга ошириляпти.

— Бошланғич партия ташкилотимиз аъзолари корхонада ҳар томонлама ўрнак

Орамизда шундай инсонлар борки, улар қайси соҳада фаолият юритишмасин, эл-юрт олдидаги масъулият туйғусини асло унутишмайди. Чустликлар Мирзоалим Сатторовни нафақат малакали мутахассис, балки етук партиявий ходим сифатида ҳам яхши билишади.

Масъулият юки

■ Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганда қалб амри билан унинг сафига қўшилган эди. Ушундан бери партия гоёларини омма онгига етказиш, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш йўлида меҳнат қилмоқда.

— Туманимизда 48 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, ҳар бирининг ўз фаолият йўналиши бор. Мирзоалим Сатторов ана шундай намунали ташкилотлардан бирига етакчилик қилади, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раиси Манзура Дадабоева. — У партия туман кенгаши билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Берилган ҳар бир топшириққа масъулият билан ёндашишга одатланган. Бу каби сиёсий фаоллар сафи ўсиб бораётганлиги тўғрисида Мирзоалим САТТОРОВ, 1960 йилда Чуст туманидаги Шўркент қишлоғида туғилган. Тошкент кишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-механик. Айни пайтда туман машина-трактор парки акциядорлик жамияти раҳбари, О'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришиляпти. Юқоридаги гапларга изоҳ ортқиқа. Акрамжон Нуралиев, Илбёк Мансуров, Азаматжон Қосимов, Бахтиёржон Зоҳидов, Муфитилло Ғаниев каби маслақдошларни ягона мақсад жипслаштирган, десак хато бўлмайди. Корхона иқтисодиётини мустаҳкамлашда уларнинг ўз ўрни бор. Жамоа аъзолари деҳқон ва фермер хўжалиқларига ҳаммиша қўл-қанот. Туманда галла ўрими-йиғими муваффақиятли яқунланди. 10 минг 650 гектар майдондаги ҳосил МТП техникалари ёрдамида йиғиштириб олинганлиги яқин ҳамкорликдан нишондир.

— Таъмирловчи усталарнинг куч-ғайрати билан 80 та чигит экиш ускунаси, 40 та ҳайдов трактори мавсумга тўла шай ҳолга келтирилган эди. Улар деҳқонларимизнинг мушкулларини осон қилди, — дейди БПТ раиси Мирзоалим Сатторов. — Эндликда барча куч ва имкониятларни пахта йиғим-теримига қаратганмиз.

Интилганга толе ёр. Мирзоалим Сатторов ва унинг сафдошлари халқ бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишни ўзлари учун шараф деб билдилар. Улар учун юрт манфаати ҳамма нарсадан устун. Бундай замондошларимиз билан фахрланмай бўладими, ахир!

«ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИ, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИДАГИ МУТАХАССИСЛАР ҲАМДА ЎЗ ТАДБИРКОРЛИГИ ВА ТАШАБУСКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭВАЗИГА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАЁТГАН ИЖОДКОРЛАР, ОЛИМЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ВА СИЁСИЙ ИРОДАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ УМУММИЛЛИЙ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ ҲИСОБЛАНАДИ».

О'zLiDeP дастурчиси.

ТАЯНЧ НУҚТАЛАРИМИЗ

O'ZLIDER OДИМЛАРИ

Оқланаётган ишонч

Бундан салкам уч йил олдин Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганда, уни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаган ташаббускорлар орасида Жалақудук туманидаги "Гуручмозор-нефтбаза" унитар корхонасининг жамоаси ҳам бор эди. Ушанда Мансурбек Давлатов корхонадаги оддий мутахассислардан бири эди.

■ Аъзам КОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Бошланғич партия ташкилотига раис этиб сайланган, ўзининг тиришқоқлиги билан тез орада тилга тушди, ҳамкасблари хурматини қозонди. Хали анча ёш бўлса-да, сиёсий тафаккури кенг, ўзи аъзо бўлган партиянинг гоё ва мақсадларини қалбига тўла жо этган. Шу боис гоёвий-тарбиявий ишларни кучайтириш, омманинг сиёсий фаоллигини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Яқинда унинг O'zLiDeP туман кенгаши раисининг ташкилий-партиявий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланганлиги ҳам бежиз эмас.

— Бугун юртимизда амалга оширилаётган катта ўзгаришлар порлоқ келажагимиздан нишонадир, — дейди М.Давлатов. — Сиёсий соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш барча қатори бизнинг зиммамизга ҳам алоҳида да масъулият юклайди, албатта.

Бошланғич ташкилот йиғилишлари ишчанлик руҳида ўтиб, уларда мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган муҳим воқеалар хусусида атрофлича фикр юритилади, фаолларнинг сиёсий саводхонлигини оширишга жиддий эътибор берилди.

Йўл қўйилган хато ва камчиликларни муҳокама қилиб, келгусидаги режаларни белгилаб оламиз. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия фракциясининг 2006 йил 3 июнда Андижонда бўлиб ўтган қўшма сайёр мажлисида билдирилган фикр-мулоҳазалар фаолиятимизни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Йиғилишда таъкидланганидек, мафкуравий ишлардан кўзланган асосий мақсад кенг аҳоли қатлами, энг аввало, қишлоқ жойларида яшовчи юртдошларимиз ўртасида гоёвий-сиёсий тарбияни кучайтириш, жамиятни либераллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган давлат сиёсатини чуқур тарғиб қилиш, оммани ислохотлар жараёнига янада фаолроқ жалб этишдан иборатдир.

Шундан келиб чиқиб, "O'zLiDeP — фермерларнинг ишончли ҳамкори", "Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, унинг манфаатлари — энг олий қадрият", "Огоҳлик — давр талаби", "Мамлакат келажаги ёшлар қўлида", "Терроризм — аср вабоси" мавзуларида қатор амалий тадбирлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими

билан ҳамкорликда ўтказилган йиғинларда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, вилоятимиздаги таниқли шоирлар ва олимлар иштирок этиб, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги вазифалар хусусида сўз юритдилар. Ҳозир мамлакатимиз далаларида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Шу муносабат билан жойларда турли тадбирлар ташкил этиб, илғорларга партия номидан совға-саломлар тарқатаяпмиз. Айни кунгача 26 та фермер хўжалиқларида бўлди ва 80 кишини партия сафига қабул қилдик.

Бу гапларга изоҳ ортқича. Корхона фаолияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ҳозирги кунда у вилоятдаги тўртта туманни ёнлиги-мойлаш маҳсулотлари билан таъминляпти. Бошқача айтганда, 21 шохобча орқали 1370 нафар фермерга хизмат кўрсатишмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан нимаки амалга оширилаётган бўлса, бари-бариди бошланғич партия ташкилотининг ўз ўрни бор. Жумладан, йилнинг ўтган даври мобайнида тумандаги 2 ва 3 сон мактабларнинг ички эҳтиёжлари учун 2 млн. 800 минг сўм, 4 ва 6 сонли боғчаларни таъмирлаш, "Уроқчи тепа" МФЙ ўраида яшайдиган кам таъминланган фуқароларнинг уйларини газлаштириш учун 750 минг сўм маблағ ўтказиб берилди. Фақат шунгина эмас. Мустақилликнинг 15 йиллиги муносабати билан корхона фахрийларига 1 млн. 500 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди, кам таъминланган оилаларга 3 та қора-

мол олиб берилди, вилоят "Анджханка" футбол-хоккей клубига 1 млн 500 минг сўм, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 5 млн 500 минг сўм маблағ ажратилди.

Бугунги кунда корхонада 30 нафар O'zLiDeP аъзоси меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, улар барча соҳада ўрнак, ташаббускор. Назирахон Икромова, Фарҳодбек Азизов, Тоҳиржон Мирзаев, Рустамжон Қурбонов каби фаоллар ўз бурчларига сикидилдан ёндашиб, сиёсий-тарбиявий ишларини аямаяптилар. Корхона истиқбол сари дадил одим ташлаётганлиги ҳам шундан.

Мансурбек ДАВЛАТОВ, 1982 йилда Жалақудук туманидаги Жанубий Оламушук шаҳарчасида туғилган. Ташкент давлат техника университетининг нефтьгаз иши факультети 5-босқич талабаси. Айни пайтда "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компаниясига қарашли "Гуручмозор-нефтбаза" унитар корхонасида хизмат қилади. O'zLiDeP бошланғич ташкилотининг раиси.





Илғор технологияларга асосланиб

Денов туманида жойлашган "Сурхонозиқовқатсаноати" АЖ вилоятдаги йирик корхоналардан бири саналади. Айни пайтда бу ерда 100 нафар O'zLiDeP аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Унга жамият раисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Абдусалом Шоймардонов етакчилик қилади.

■ Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, «XXI asr» мухбири

— Бундан икки йил аввал жамиятимиз молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган эди, — дейди А. Шоймардонов. — Фойда бўлмаганлиги сабабли акциядорларга дивиденд суммаларини ҳам тўлай олмаганмиз. Корхонани қайта обёққа қўйиш, ишлаб чиқаришга

янги технологияларни кенг жорий этиш ҳаётий заруратга айланган эди. Шундай бир пайтда малакали мутахассис, O'zLiDeP аъзоси Шавкат Жамолов жамоамизга раҳбар этиб сайланди. Ташкилотчиликда гап кўп экан. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, илғорларни қўшимча рағ-



Абдусалом ШОЙМАРДОНОВ, 1965 йилда туғилган. Ташкент халқ хўжалиги институти-ни тугатган. "Сурхонозиқовқатсаноати" акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари, корхона бошланғич партия ташкилоти раиси.

батлантириш чоралари кўрилди. Натияжада, дастлабки йиллик 120 минг 700 тонна техник чигит қайта ишланиб, истеъмолчилар-

га 20 минг 758 тонна қора, 18 минг 31 тонна оҳарланган ёғ-мой етказиб берилди. Тармоқдан 133 миллион сўм соф фойда олинди, ҳар бир акцияга 1 минг 950 сўмдан дивиденд ҳисобланди.

Бу каби ютуқларда O'zLiDeP аъзоларининг салмоқли ҳиссаси бор, албатта. Улар сиёсий фаоллиқни ошириб, барча соҳада ибрат бўлмоқдалар. Сифатли маҳсулотнинг харидори кўп. Жумладан, ўтган йили хорижга 3 минг 600 тонна ёғ ва минг тонна кунжара экспорт қилинди. Манфаатдорлик ҳам шунга яраша. Экспорт ҳисобидан 1 млн. 200 АҚШ доллари миқдорда валюта тушуми таъминланди.

— Жорий йилнинг ўтган даври биз учун омадли келди, — дейди БПТ раис-

си. — Чунки, хорижлик истеъмолчиларга 1000 тонна ёғ, 2000 тоннадан зиёд кунжара сотиб, иқтисодий имкониятларимизни анча кенгайттирдик.

Жамоамиз аъзолари доимий изланишда. Техно-логик жараёнларни босқичма-босқич такомиллаштириш ўз самарасини берапти. Чигит тозалаш целида 3-ОХС русумли янги ускуна фойдаланишга топширилди. Аммиакли компрессор, биринчи ва иккинчи ишлаб чиқариш цехлари янги жиҳозлар билан таъминланди. Табиий газ таъминотини яхшилаш учун 935 погон-метр ҳажмда янги газ қувури тортиди. Марказий лаборатория қайта таъмирланди. Маҳсулотни 4 килограмми идишларга қадоқлаш йўлга қўйилди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий сама-

«ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЁТДА ТУГАЛЛАНГАН ТЕХНОЛОГИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦИКЛИГА ЭГА, ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН, МИНЕРАЛ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОМАШЁСИНИ ТЎЛИҚ ҚАЙТА ИШЛАЙДИГАН КОРХОНАЛАР КАТТА УЛУШГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. БУНДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁНИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ҲАМДА ИЛҒОР ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ҚАРАТИЛИШИ КЕРАК».

O'zLiDeP дастуридан.

радорликни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги технологияларни жорий этиш бўйича бизнес режамиз мавжуд. Шу асосда бирмунча ишлар амалга ошириляпти. Бельгиянинг "Armsstrong International S.A" компанияси билан ҳамкорликда жорий йилда ёқилги-мойлаш харажатларини 30 фоизга иқтисод қилиш имконини берадиган замонавий ускуналарни ўрнаштириш мўлжаллаб турибмиз. Ушанда йилга 50 миллион сўм миқдоридagi ёқилгини тежаб қолиш мумкин. Яна бир янгилик. Хадемай экстракция ёғи дезодорация қилинадиган линияни ишга туширмоқчимиз. Бу эса йилга 5 минг тонна ёғни тозалаш имконини яратди. Зеро, иқтисоди бақувват корхонадан жамоа ҳам, давлат ҳам тўла манфаатдор. Қола-

верса, аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, камхарж оилаларга хомийлик ёрдами кенгайтирялмиз.

Тўғри-да, ишлаб чиқаришдан яхшигина наф қўра бошлаган корхонага савоб амаллар узукка кўз қўйгандек ярашиб туради. Утган йили болалар спортини ривожлантириш фондида 7 миллион сўм маблағ ўтказиб берилган эди. Бойсун туманидаги Меҳрибонлик уйи ва Денов туманидаги эркаклар муруват уйи оталиққа олинган. Уларга доимий равишда хомийлик ёрдами кўрсатиб келинмоқда. O'zLiDeP фаоллари ана шу каби хайрли ишларнинг олдинги сафида бориб, юксак номни муносиб равишда оқламоқдалар. Зотан, аҳиллик ва яқдиллик бўлган жойда соғлом маънавий муҳит қарор топиб, меҳнат янги мазмун касб этаверди.

ЙИРИК муваффақият аввал назарда
тутилган ва пухта ўйланган беҳисоб
майда ҳаракатлардан ташкил топади

ИҚТИСОДИЁТ

«Минор» жаҳонга юз тутмоқда

ЮРТИМИЗ ЎЗИНИНГ САМАРҚАНД, БУХОРО, ХИВА КАБИ ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИ, МАҚБАРАЮ МАДРАСАЛАРИ, МИНОРАЛАРИ, ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ ОСОРИ-АТИҚАЛАРИ БИЛАН ЕТТИ ИҚЛИМГА МАЪЛУМ ВА МАШҲУР. БУНДАН ТАШҚАРИ, ДУНЁГА ДОНГ ТАРАТГАН КЎПЛАБ ЗИЁРАТГОҲЛАР, ҚАДАМЖОЛАР МАВЖУД.

■ Кахрамон ҚҮЛДОШЕВ, «XXI asr» мухбири

Демак, хориж сайёҳлари-ни юртимизга чорлаш, улар-ни тарихий гўзалликлардан баҳраманд этиш учун катта имкониятлар бор. Гап мана шундай имкониятдан оқилона фойдаланиш, Ватанимизнинг бой маънавияти ва мадания-тидан гувоҳлик берувчи тарихий обидаларни дунёга янада кенгрок танитиш, сайёҳларни юртимизга жалб эта билишда қолган. Бугунги кунда мазкур соҳада ишнинг кўзини билладиган, жонқур тадбиркор юртдошларимиз ҳам кўп.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги «Минор» саяҳат-туризм хусусий фирмаси бунга яққол мисолдир. O'zLiDeP аъзоси, Халқ депутатлари Жарқўрғон туман кенгаши депутати Олимжон Нормуродов раҳбарлик қилаётган мазкур фирма вилоятда кўп хайрли ишларни амалга оширмоқда. Олимжон ака тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана бошлаган кезларда ишлари бугунгидек юришиб кетишига кўпчилик ишонмаган эди. Вақт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйди. Дастлабки йилларда аҳолига компьютер хизмати кўрсатиш билан шуғулланган «Минор» саяҳат-туризм хусусий фирмаси тез орада ўзини тиклаб олди, имкониятларини кенгайттирди. Тошкент шаҳрида филиали, Термиз шаҳрида ваколатхонаси фаолият юритаётган «Минор» да бугунги кунда иш жуда кизгин. Фирма аҳолига 30 дан ортиқ турдаги хизматларни кўрсатмоқда. Жумладан, компьютер ва компьютер таълими, суратхона, телеустакхона, туризм, транспорт, савдо дўконлари хизматидан эл баҳраманд. Айни пайтда хусусий фирмада 54 киши меҳнат қилапти. «Минор» туризм соҳасида хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда. Фирма сайёҳлик бўйича бешта давлат билан шартнома имзолаган. Олимжон аканинг ўзи хизмат сифари билан Миср, Япония,

Малайзия, Туркия, Жанубий Корея, МДХ давлатларига бориб келди, Японияда ўтган халқаро туризм ярмаркасида иштирок этди. Фирмада ёш мутахассислар тарбиясига ҳам катта эътибор берилмоқда. «Минор» ходимлари сайёҳликнинг ташкилий ишлари сирларини ўрганиш, бу борада малака ошириш мақсадида хорижий давлатларга юборилмоқда, туризмга оид халқаро анжуман ва тадбирларда иштирок этмоқдалар.

Олимжон ака билан суҳбат чоғида унинг битта хусусияти кўзга яққол ташланди. У аҳолининг кам таъминланган қатламига муруват кўрсатишни, ёшларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашни, биринчи галдаги бурчи деб биланди. Депутат кўрсатаётган

ҳомийлик ёрдамлари бир соҳа билан чекланмаган. Масалан, учун кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилаларда газ ҳисоблагичлари ўрнатиш учун кетадиган маблағ фирма томонидан қопланди. Бундан ташқари, кам таъминланган бир неча оиланинг ер солиғи ҳам фирма ҳисобидан тўлаб берилди. Шунингдек, фирма маҳаллаларда жуда кўп йиғилиш ва анжуманларни ўтказишда моддий жиҳатдан ёрдамлашмоқда. Яна бир мисол. Олимжон Нормуродов молиявий қийин аҳволда қолган дехқончилик йўналишидаги «BODIUM-PARADISE» ва боғдорчиликка ихтисослашган «Сахродаги боғ» фермер хўжалиқларини ҳам ўз оталиғига олган. Хусусан, «Сахродаги боғ» фермер хўжалиғига чўл бағридан 40



гектар ер ўзлаштириш учун берилган эди. Хозирга келиб, 15,5 гектар майдон тўлиқ ўзлаштирилди ва ўз номига муносиб равишда даштда мўъжазгина боғ барпо бўлди. 12 минг тул анор, ўрик, бодом, нок, ток, хурмо кучатлари ва полиз экинлари янаша турган «Сахродаги боғ»да олти

ёрдамни аямаяпти. Гап ҳомийлик ҳақида кетар экан, яна шунга таъкидлаш лозимки, туманда тарихий жойларга саяҳат уюштириш, мактаблардаги битирув кечаларида аёлчи укучиларга совғалар топшириш ўзига хос анъанага айланган. «Минор» фирмаси ҳаммаша ана шундай хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда. Чунки, 2004 йилда Туркистон шаҳрига уюштирилган саяҳат учун тўрт ярим миллион сўм маблағ сарфланганди. Умуман, ўтган йили хайрия мақсадлари учун 13 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Минор» учун устувор вазифа ҳисобланади. Хорижий меҳмонлар мазкур тарихий жойлар тўғрисида кенг қамровли тасаввурга эга бўлишлари учун махсус кўлланма маъмулотномалар тайёрланган. Хуллас, Олимжон ака саяҳат-туризм сир-асорини пухта ўзлаштирган тадбиркордир.

Хизмат сафари билан кўп давлатларга бориб, шу нарсани амин бўлдимки, бизнинг ҳеч қайси мамлакатдан кам жойимиз йўқ. Биз инсоният тамаддунига жуда катта ҳисса қўшган улуг мутафаккирларни етиштирган халқнинг авлодларимиз. Бой тарихимиздан, кўна анъаналаримиз, урф-одатларимиз, бобларимиздан қолган турмаъно асарлар, ёдгорликлардан қанча фахрлансак, шунча оз. Улар бизни дадил одимлашга ундайди. Шу боис кимлигимиздан дарак берувчи обидаларни, мақбараларни, зиёратгоҳларни чет давлатларида ҳам ижтимоий хизмат сердаромад соҳа бўлиб қолмоқда.

Туризм соҳасида «Минор»нинг келажаги порлоқ. Сурхондарё воҳаси — тарихий обидаларга, қадимий маданият намуналарига жуда бой. Далварзинтепа, Холчаён, Кампиртепа, Фаёунглаб олди. У фермер хўжалигининг тўлиқ оёққа туриб олиши учун қўлидан келган

«Минор»нинг келажаги порлоқ. Сурхондарё воҳаси — тарихий обидаларга, қадимий маданият намуналарига жуда бой. Далварзинтепа, Холчаён, Кампиртепа, Фаёунглаб олди. У фермер хўжалигининг тўлиқ оёққа туриб олиши учун қўлидан келган

Зоминлик фермер Илҳом Қаршибоев кўп вақтдан буён ўзининг фермер хўжалигини чорвачилик ҳисобига кенгайтиришни ният қилиб юрарди. Шундай кунларнинг бирида, яъни жорий йилнинг 5 майида Президентимиз республикамизда кичик бизнесни, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар бериш кўзда тутилган Фармон чиқарди. Мазкур Фармонга асосан АТ «Тадбиркорбанк» негизида АТ «Микрокредитбанк» ташкил этилди.

Уч ойда — 180 та янги иш ўрни

■ Аъзам ХҲАЖАҚУЛОВ, «XXI asr» мухбири

Бундай қулайлик Илҳом ака сингари фермерлар, тадбиркор ишбилармонлар учун аини мудао бўлди. Яратилган имкониятдан кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилган «Оқар» фермер хўжалигининг раҳбари Илҳом Қаршибоев керакли ҳужжатларни тўплаб, АТ «Микрокредитбанк»нинг Жиззах шаҳар бўлимига қандажам берди. Кўп ўтмай, фермер сўраган 5 млн. сўм ажратиб берилди. Бу пулга 15 бош қорамол сотиб олди, натижада 3 та иш ўрни яратилди.

Эндилкида мен бу молларни яхшилаб парваришлаб, аввало, ўзимнинг айланма маблағларини кўпайтираман. Қолаверса, халқимнинг гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга ҳисса қўшаман. Буларнинг ҳаммаси учун муҳтарам Юртбошимизга қанча раҳмат айтсак, шунча кам, — дейди Илҳом Қаршибоев.

Фармон моҳиятини тадбиркорларнинг кенг қатламларига етказиш мақсадида вилоятнинг барча туманларига семинарлар ўтказмоқдамиз, — дейди АТ «Микрокредитбанк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи Маликшоҳ Юсупов. Утган қисқа вақт мобайнида тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида бошқарманинг Янгиобод, Дўстлик ва Зафаробод туманларида минибанклар, Форш ва Бахмал туманларида ваколатхоналар очилди. Арнасой минибанкини филиалга айлантириш ишлари охирига етказилмоқда. Микрокредитлаш бўлими бошлиғи Абдусамат Тошбоевнинг айтишича, банк томонидан қўйидаги йўналишлар бўйича кредитлар берилмоқда:

- бошланғич сармоя учун;
 - бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун.
- Бошланғич сармоя кредитлари хусусий тадбиркорларга энг кам иш ҳақининг 50 қаррагача, микрофирмалар, юридик шахс мақомига эга дехқон хўжалиқларига энг кам иш ҳақининг 100 қаррагача, фермер хўжалиқларига эса энг кам иш ҳақининг 200 қаррагача 18 ой муддатга берилди. Микрокредит устамаси — йилига бор-йўғи — 5 фоиз.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг оқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 500 қаррагача микродориди 24 ойгача муддатга берилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан оқори бўлмаган ставка бўйича, энг кам иш ҳақининг 200 қаррагача микродориди 3 йилгача муддатга имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Шу асосда вилоятда ўтган вақт мобайнида 24 та тадбиркорлик субъектига 20760 минг, 61 та юридик шахсга 286150 минг сўмлик микрокредитлар берилди, 13 та фермер хўжалиғига 114229 минг сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

АТ «Микрокредитбанк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси томонидан микрокредитлар ажратилиши ва микролизинг хизматлари кўрсатилиши бошланган қисқа фурсат, яъни 3 ой ичида 180 та янги иш ўрни яратилиб, 56926 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Президентнинг кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган мазкур Фармони Жиззах вилоятида ҳаётга татбиқ этила бориб, илк натижалар қўлга киритилди. Давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган янги имконият ва имтиёзлар бундан буён янада салмоқлироқ самаралар келтириши яққол кўриниб турибди.

ИСЛОҲОТ

БАНК ТИЗИМИ



ВАЗИЯТГА НАЗАР

ТАНҚИД ҚОННИНГ ЯХШИ айланишидир, унингсиз турғунлик ва касалликка чалиниш муқаррар

7 ТА КОРХОНАНИНГ НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ОМБОРИ ИШ ФАОЛИЯТИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИБ ҚЎЙИЛДИ. ХЎЖАСИЗЛИК ВА АСОССИЗ РАВИШДА ОРТИҚЧА ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ НАТИЖАСИДА 1,075 ТОННА МАҲСУЛОТ БОЙ БЕРИЛГАН.



Чўнтакка тушаётган миллионлар қаерда?

- ЛИТРЛАРДАН ТОННАЛАРГАЧА
- СОҲТА ИМЗО...
- МАТКАРИМОВНИ ҲИСОБДАН АДАШТИРГАН КИМ?

Дунё микёсида ёнилғи-энергетика ресурслари тақчиллиги сезилаётган, уларга бўлган талаб эса тобора ортиб бораётган ҳозирги пайтда табиий газ, нефть маҳсулотлари, электр энергияси ва бошқа иссиқлик манбаларидан тежаб-тергаб фойдаланиш масаласи долзарблиғича қолмоқда. Шундай бир шароитда Хоразм вилоятида энергетика ресурслари, хусусан, нефть маҳсулотларидан самарали фойдаланилаётими? Афсуски, йўқ. Далилсиз гап тузсиз таомга ўхшайди. Шу боис, мисолларга мурожаат қилайлик. Жорий йил бошидан буён “Ўздавнефтвазоспекция”нинг Хоразм вилоят бўлими томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ўттиздан кўпроқ корхонада ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, тарқатиш қоидалари бузилганлиги аён бўлди.

■ Абдулла АННАПАСОВ, “Ўздавнефтвазоспекция”нинг Хоразм вилоят бўлими мутахассиси

Ўтказилган текширишлардан кейин 7 та корхонанинг нефть маҳсулотлари сақланадиган омбори иш фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг тегишли моддаларига асосан 34 мансабдор шахсга нисбатан 1492 минг сўмлик жарима қўлланилди.

Айрим корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, бошқа масъул ходимларнинг назоратли бўлашақлари юборганликлари, совуққонлиги, лоқайдлиги, ва-зифасига масъулиятсизлик билан қараш натижасида нефть маҳсулотлари нест-нобуд қилинаётти, талон-тарож этилишига йўл қўйилаётти. Бир мисол. Йил бошидан буён хўжасизлик ва асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш натижасида 1,075 тонна қимматли ёнилғи ресурслари ҳавога совурилган. Шу йилнинг август ойида Янгйбозор туманидаги “Бўстон-Янгйбозор” муқобил машина-трактор паркида ўтказилган режали текшириш жараёнида қиймати 2408,845 минг сўмлик 17,8 тонна нефть маҳсулотлари камомадига йўл қўйилганлиги аниқланди. Тупланган ҳужжатлар айбдорларга нисбатан қонуний ҳога қўриш учун вилоят прокуратурасига топширилди.

лоят филиали орқали анча микдорда автобензин ва дизель ёнилғиси олишарди. Яқинда биржа орқали олинган нефть маҳсулотларининг мақсадли ишлатилиши ва четга берилиши ҳолатлари бўйича “Ўздавнефтвазоспекция” вилоят бўлими томонидан мониторинг таҳлили ўтказилди. Таҳлил ва кузатишлар шуни кўрсатди-ки, айрим корхоналар ва ташкилотлар томонидан биржа орқали олинган нефть маҳсулотларининг бир қисми бемақсад ишлатилган, ноқонуний сарфланган, ва хатто бошқа жойларга бериб юборилган.

Ҳукуматимиз қарорига асосан Богот туманидаги Машариф Қувовков номи ширкат хўжалиги ҳам тугатилиб, унинг негизда фермер хўжаликлари ташкил этилганди. Аммо шуни таажубланарлики, тугатилган ширкат хўжалигининг ишонч хати билан биржа орқали “Хазорасп нефть базаси” унитар корхонасидан 30322 литр (25,8 тонна) дизель ёнилғиси олинган. Ҳужжатларга ишониладиган бўлса, ана шу фермер хўжаликларига сарфланган. Бирок техника воситалари билан қандай ишлар ба-жарилганлиги, машиналар ёрдамида нима юмушлар амалга оширилганлиги, фермер хўжаликлари қандай мақсадда нефть маҳсулотлари бери-рилганлиги тўғрисида ҳеч қан-

дай ҳужжат йўқ, бу ҳақда ҳисоб-ботлар тузилмаган. Шундай қилиб, биржа орқали олинган 30320 литр дизель ёнилғисининг қай тарзда сарфланганлиги асосланмасдан ноқонуний равишда ҳисобдан чиқариб юборилган. Эҳтимол, бундай ноҳўя ишга ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, биринчи навбатда прокуратура қонуний баҳо беришар.

“Хазорасп пахта тозалаш” очик турдаги ҳиссадорлик жамияти томонидан биржа орқали олинган 9060 литр автобензин билан 103914 литр дизель ёнилғисининг тақдирини ҳам худди шундай бўлган. ОТАЖ ёшилларининг хотамтойлиги тутиб, олинган нефть маҳсулотларининг 4430 литри ҳе йўқ, бе йўқ, “Хазорасп МТП” давлат акциядорлик жамиятига бериб юборилган. ОТАЖ тасарруфида бўлган ЗИЛ-133 русумли 22АА736 давлат рақамли ва ГАЗ-53 русумли, 22АА734 давлат рақамли ўт ўчириш маши-наларига асосан сарфланганлиги таҳлил қилинганда, қизиқ ҳолат аниқланди. Бу автомобилларга шу йилнинг январь, февраль ва март ойларидан 8418 литр, яъни қарийб 6,5 тонна бензин ишлатилган. Бу мейёрдан анча юқоридир. У. Матқубов бошқарувидаги ЗИЛ-133 русумли, 22АА736 давлат рақамли ўт ўчириш машинасига шу йилнинг 1, 6, 11, 12, 17-кунларида ҳар кун 160 литрдан автобензин сарфланган. Шунча микдордаги автобензин билан бир корхона ичка-рида машина кун бўйи бир неча ўнлаб километр йўл босиб, нима иш қилди экан? Бу жумбоқнинг тағдига мута-садди идораларнинг ходим-лари етишар, деган умиддамиз. Шу ОТАЖ тасарруфидаги “Нексия” русумли, 22АА787 давлат рақамли эн-гил машинага 2006 йил-нинг биринчи чорагида 2620 литр автобензин ишлатилганлиги қандай баҳоласх керак? И.Матқаримов бошқару-видаги, бу машинага шу йил март ойида бор-йўғи 13 кун ишга чиқарилган бўлса-да, унга 780 литр автобензин сар-фланган. Белгиланган мейёр-га кўра бу автобензин билан машина ҳар кун ўртача 705 километр масофани босиб ўтиши даркор. Бунинг учун эса, машина тўхтамасдан 8-9 соат йўл босиши лозим. Бу ерда кўзбўямачиликка йўл қўйилганлиги аниқ кўриниб турибди. Худди шундай ҳол М.Бектурдиев бошқарувида-ги “Дамас” русумли, 22АА135 давлат рақамли энгил авто-машина билан ҳам содир

бўлган. Январь, февраль ва март ойларида бу автомаши-нага 1800 литр автобензин ишлатилган. Биргина март ойида бу машина 12 кун ишга чиқарилган бўлиб, шу даврда унда 480 литр бензин билан ҳар кун ўртача 577 километр масофани босиб ўтса бўлади. Қизиғи шундаки, февраль ойида ана шу “Дамас” автома-шинасига беришган 560 литр бензин, тегишли ҳужжатга ҳайдовчи М. Бектурдиевнинг шунча микдордаги ёнилғини олганлигини тасдиқловчи им-зоси қўйилмаган бўлса-да, ҳисобдан чиқарилган.

Вилоят солиқни сақлаш тизимида ҳам ёнилғи-энерге-тика ресурсларидан оқилона фойдаланилмаётти. Буни Гур-лан туман марказий шифохон-аси мисолида яққол кўриш мумкин. Марказий шифохона-да ёнилғи-энергетика ресур-сларини тежаш бўйича комис-сия тузилмаган. Хусусан, нефть маҳсулотларидан оқилона фойдаланишга доир ташкилий-техникавий тadbир-лар белгиланмаган. Шундай бўлса, бу соҳадаги ишлар ўлда-жўлда қолиб кетгани ўз-ўзидан аён, албатта. Туман марказий шифохонасида тур-ли русумдаги жами 15 та ав-томашина мавжуд. Шулардан бештаси — носоз. Битта “Не-ксия” русумли, 22АД229 дав-лат рақамли автомашинанинг, ойлик масофа лимити белги-ланганига қарамастан, сарф-ланган ёнилғига кўра босиб ўтилган масофаси ҳисоблаб чиқилганда, автомашина ҳар ойда ошиқча 574 километр йўл юргани маълум бўлди. Тиббий хизмат автомашинала-ри учун олинган ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш ўрнига ой сайин 50-60 литр бензин ортиқча сарфланмоқ-да. Бунинг устига туман мар-казий шифохонасида шу йил-нинг январь ойида 1976 литр, февраль ойида 2217 литр, март ойида 2305 литр, апрель ойида эса 2092 литр — жами 8590 литр автобензин, авто-машиналарнинг босиб ўтган масофаси кўрсатилмасдан, асоссиз равишда ҳисобдан чи-қарилган. Таассуфки, автома-шиналарнинг спидометрлари атайлаб ишлатилмайди. Бу эса, ўз навбатида ёнилғининг талон-тарож қилинишида қал-лобларга қўл келмоқда.

Ёнилғи-энергетика ресур-сларидан оқилона, тежаб-тер-габ фойдаланишга тоқайгача бармоқ орасидан қаралади, нефть маҳсулотларини талон-тарож қилувчи попоқ шахслар, кўзбўямачилар, беғам раҳбар-ларнинг танобий қачон торти-либ, кўзи мошдек очиб қўйи-лади?

«ЎЙИН»

ЁКИ 1 МЛРД. СЎМДАН ЗИЁД ЗАРАР КЕЛТИРГАН ХАТО ҚАЧОН ТУЗАТИЛАДИ? 13 ЙИЛДАН БУЁН ЧЎЗИЛАЁТГАН «МОЖАРО»ГА КИМ НУҚТА ҚЎЯДИ...

ЮКОРИДАГИ САРЛАВҲА ОСТИДА ЧОП ЭТИЛГАН ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
МАҚОЛАГА ШУ ЙИЛНИНГ 19 СЕНТЯБРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИДАН ҚҲЙИДАГИ РАСМИЙ ЖАВОБ ОЛИНДИ.

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан “XXI asr” газетасининг 2006 йил 14 сентябрь сонидан чоп этилган “Ўйин ёки 1 млрд. сўмдан зиёд зарар келтирган хато қачон тузатилади?” сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, даъвогар — Сурхондарё вилоят прокуратураси “Сурхондарё йўл ва кўприк қурилиши” АЖ мақола-сига Сурхондарё вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар — “Каттақум” автомобиль йўлидан фойдаланиш махсус бошқармасини алоҳида корхона сифатида акратиб чиқариш тўғрисида ўтказил-ган барча йиғилиш баённомалари ва қарор-ларини ҳамда Давлат мулк қўмитаси Сур-хондарё вилоят бошқармасининг 2001 йил 14 декабрдаги 810 сонли ва “Узавтойул” дав-лат акциядорлик компаниясининг 2001 йил 15 декабрдаги 127-С сонли буйруқларини ҳақиқий эмас деб топиш, шунингдек, “Сур-хондарё йўл ва кўприк қурилиши” АЖга кор-хона тасарруфида бўлган “Каттақум” авто-мобил йўлидан фойдаланиш махсус бош-қармаси иктиёрига берилган мол-мулклар-ни қайтаришни сўраган.

Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2006 йил 16 мартдаги ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Қашқадарё вилоят хўжалик суди апел-ляция инстанциясининг 2006 йил 1 июндаги қарори билан ушбу ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талаби қисман қаноатлан-тирилган.

Республика Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъатининг 2006 йил 9 августдаги қарори билан қуйи суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан қўриш учун Тошкент вилоят хўжалик судига юборилган.

Иш ҳолатларига кўра, Сурхондарё вило-ят Давлат мулкни бўш қилиш ҳудудий бош-қармасининг 2001 йил 14 декабрдаги 810 сонли буйруғи ҳамда “Узавтойул” давлат -акциядорлик компаниясининг 2001 йил 15 декабрдаги 127-С сонли буйруғига асосан “Сурхондарё йўл ва кўприк қурилиши” АЖга қарашли бўлган “Каттақум” саноат бўлими алоҳида давлат корхонасига айлантирилиб, “Каттақум” автомобиль йўлидан фойдала-ниш махсус бошқармаси деб номланган ва “Сурхондарё йўл ва кўприк қурилиши” АЖ тасарруфида бўлган мол-мулклар далолатно-

ма асосида бошқарма иктиёрига ўтказиб бе-рилган.

“Узавтойул” давлат-акциядорлик компа-ниясининг 2001 йил 15 декабрдаги 127-С сонли буйруғи асосида тузилган комиссия иштрокида 2001 йил 17 декабрь санаси билан тузилган топшириш-қабул қилиш дало-латномаси расмийлаштирилган ва мазкур ҳужжат асосида “Сурхондарё йўл ва кўприк қурилиши” АЖга қарашли “Каттақум” саноат бўлими иктиёрида бўлган ер майдони, кир-иш йўллари, темир йўл шохобчаси, мажму-ага бириктирилган барча жиҳоз, ускуналар, асосий воситалар, айланма маблағлар, ишчи ходимлар сони ва йўл техникаси жиҳозла-ри (жами 112 та номдаги мол-мулк) “Сур-хондарё йўл ва кўприк қурилиши” АЖдан “Каттақум” автомобиль йўлидан фойдала-ниш махсус бошқармасига ўтказиб берилган.

Апелляция инстанцияси томонидан Сур-хондарё вилоят прокуратурасининг даъво та-лабини қаноатлантиришда хўжалик ишида Давлат мулк қўмитаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2001 йил 14 де-кабрдаги 810 сонли буйруғида қайд этил-ган ва “Каттақум” саноат бўлимининг мол-му-лкни баланسدан балансга ўтказишга асос деб кўрсатилган “Сурхондарё йўл ва кўприк қу-рилиши” АЖнинг 2001 йил 14 декабрдаги ум-вий йиғилиши қарори мавжуд эмаслигига асосланган.

Бундан ташқари, қарорда “Сурхондарё йўл ва кўприк қурилиши” АЖ акциядорларнинг 2001 йил 19 декабрдаги умумий йиғилиши кун тартибига фақат битта масала — жамиятга қарашли “Каттақум” саноат бўлимининг иш-лаб чиқариш самарасини қўриб чиқиш кўрсат-илган бўлса-да, йиғилиш иштирокчилари кун тартибидан мавжуд бўлмаган масалалар юза-сидан, яъни “Каттақум” саноат бўлимини ало-ҳида корхона сифатида давлат тасарруфида ўтказиш ва жамиятнинг янги Низом жамгар-масини тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги баён этилган.

“Каттақум” автомобиль йўлидан фой-даланиш махсус бошқармаси республика Олий хўжалик суди кассация инстанциясига Қашқадарё вилоят хўжалик суди апелляция инстанцияси қароридан норози бўлиб, кас-сация шикоятни, Қашқадарё вилоят прокура-тураси эса кассация протести келтирган. Олий хўжалик суди кассация судлов ҳайъ-атининг 2006 йил 9 августдаги қарори билан қуйи суд қарорлари бекор қилиниб, иш ян-гидан қўриш учун Тошкент вилоят хўжалик судига юборилган.

Мақолада баён этилган ҳолатни тезкорлик билан ўрганиб чиқиш, муфассал жавоб йўлла-гани Республика Бош прокуратурасининг матбуот қизишларига бўлган жиддий мурошабатидан далолатдир. Урн келганда шуни алоҳида айтиш лозимки, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳо-фаза этиши ва назорат органлари орасида катта нуфузга эга ушбу идоранинг жойлардаги бўлинмалари, яъни туман, шаҳар ва вилоят прокуратуралари ҳам газета чикишларига ҳаммиса ўз вақтида муносабат билдирадидлар.

Аммо, афсуски, мамлакатимизда кенг микёсда олиб борилаётган ислохотларга тўсиқ бўлаёт-ган ҳолатлар танқид қилинган мақолаларга айрим мутасадди идоралар, жумладан, хўжалик судлари қонунда белгиланган муддатда жавоб қайтармаётганликларини тушуниш қийин, ал-батта. Баъзи жавоблар эса масала моҳиятини тўлиқ камраб олмаган, ҳолда, юзаси ёзилмоқди. Масалан, “XXI asr” газетасининг 2006 йилнинг 4 май сонидан чоп этилган “Ҳақиқат қарор топишига ишонман” сарлавҳали мақолада кўтарилган масала бевосита хўжалик судларининг турли инстанцияларига тегишли бўлганлиги сабабли унга муносабат билдиришларини сўраб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига расмий хат юборилганди, хатимиз хўжалик судига етиб бормади, яъни газета чоп этилган куннинг ўзидакё «жавоб» хати олдик. Аммо унинг мазмуни билан танишаётганимиз, бундай тежорликнинг сабабини тушунидик. Газета тах-ририятига ёрдам сўраб, мурожаат этган тошкентлик хусусий тadbиркор Роберт Тулаганов ҳали-гача қўлида мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери бўла туриб, судма-суд, идорама-идора сарсон бўлиб юрибди.

Тўғри, мазкур иш Олий хўжалик суди ҳайъати даражасида ҳам қўриб чиқилган. Аммо орадан шунча вақт ўтди. Нохотки тахририятга тушуналик жавоб қайтариш учун шунча муддат камлик қилса?...

Ушбу, бундай ҳолатда конституциявий ҳуқуқи бузилган тadbиркор нима қилмоғи керак? Бир қарашда 13 йилдан буён тортишувларга сабаб бўлаётган ушбу иш аслида ўнчалик мураккаб ҳам эмасдек туюлади. Чунки мақоланинг бошидан охиригача бор-йўғи тўртта саволга жавоб изланади холос. Жумладан, “Устаси Паранг” хусусий корхонаси ва “Бунёд” корпорацияси ўртасида 1996 йил 30 майда тузилган келишув шартномасига (эътибор беринг, суд томонидан тасдиқланган) кўра “Бунёд” тасарруф қилинаётган саноат базаси баланс қий-матини “Устаси Паранг”га тўлиши лозим эди. Лекин бундай бўлмади. Иккинчидан, Юнусо-бод ДСИ мулк эгасини аниқламасдан туриб уни очик савдога қўйганлиги, учинчидан, “Ра-ниф” МЧЖнинг судга тақдим этган кадастр ҳужжатларининг сохталиги, Тошкент муниципал биржа маркази мулк эгасини аниқламай туриб, уни сотиб юборганлиги учун қим жавоб бе-риши керак? Биз хар қанча изламайлик бир кунда яъни тезкорлик билан тайёрланган ва “Муфассал муҳокама” қилиниб тайёрланган хатда ана шу жавобларни топладик.

Юқорида мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза этишга мутасадди ҳисобланган икки нуфузли идоранинг газета чикишларига икки хил муносабатини таққослашдан мақсад эса, битта. У ҳам бўлса, республикамизда қизгин давом этаётган ислохотларнинг боришига, жумладан, иқтисодий-тимиз тараққиётига тобора катта ҳисса қўшиб келаяётган хусусий мулкдорлар тақдирини прокура-тура ҳам, судлар ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам бирдай масъул эканликларини таъкид-лашдир.

Умуммақсад йўлида ҳамкорликда ҳаракат қилиш эса, барчамизнинг муқаддас вазифамиз эмасми?
Мақолага нуқта қўярканмиз, Республика Бош прокуратураси ходимларига яна бир қарра миннатдорлик билдириб «Ҳақиқат қарор топишига ишонман» мақоласида тилга олинган «Му-аммо»ни ҳам улар эътиборига ҳавола қилганимиз келди. Балким прокуратура аралашувидан кейин шунчалар узоқ чўзилаётган бу «Ўйин»га ҳам очим топилар...

МАРДЛИК ўзини тута билиш
ва адолатли бўлишдадир

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ГРУЗИЯ


Қалтис қадам

Ўтган ҳафта жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори яна дунёнинг оловли нуқталаридан бири, Абхазия, Жанубий Осетия, Тоғли Қорабоғ можаролари билан танилган Кавказ минтақасига қаратилди. Грузиянинг «инқилобчи» раҳбарлари томонидан ташланган қадам шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган Россия — Грузия муносабатларини янада чигаллаштириб юборди. Кузатувчилар бир овоздан Саакашвилини пароканда мамлакатни ҳалокат сари етаклашда айблай бошладилар. Гап 5 миллиардлик грузин халқининг ночор ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғирлашиб бораётгани ҳақида кетмоқда. Яъни Россиянинг расмий Тбилисис нўрнин хатти-ҳаракатларидан сўнг иқтисодий жазо чораларини қўллашга киришганлиги Грузия иқтисодиётига болта уриш билан тенг, албатта.

Шерзод АРАПОВ

Грузия давлат органлари Кавказдаги Россия қўшинлари гуруҳи (КРҚГ)нинг қўлга олинган ҳарбийларини Бош разведка бошқармасининг зобитлари дея ҳисоблаб, уларни жосуликда, хатто 2004 йилги терактларни уюштиришда айблади. Аввалига эҳтиросли президент Михаил Саакашвили рус зобитларини узок йиллик қамок жазоси қўйиб, ҳар қандай жавоб чоралари ёки санкцияларга қарамай, Тбилиси уларни Москва қўлига бермаслиги ҳусусида баралла гапир бошлаган бўлса, орадан кўп ўтмай, қони қайноқ грузин сиёсатчиларининг баёнот оҳанги пасая бошлади. Бунга Россия президенти Владимир Путиннинг Миллий Хавфсизлик Кенгаши Грузияни одамларни гаровга олиш эвазига давлат терроризмида айблади, бундай ҳаракат хориждаги кучли ҳомийлар шафёлигида амалга оширилаётганини таъкидлаш, мудофаа вазири Сергей Ивановнинг ҳибсада олинган аскарлар ҳар қандай воситалар билан, керак бўлса, қарши куч ёрдамида озод қилини бораидаги баёнотлари сабаб бўлди, дейиш мумкин. Шундан кейин эса Саакашвили ва Окрушавлини каби сиёсатчиларнинг юраги-га гулгула тушди. Вазиятнинг янада таранглашувига йўл қўймайлик унун Грузия президенти Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти вакиллари воситачилигида жосуликда айланган рус зобитларини Россия қўлига топширди. Дарҳақиқат, аввалига Грузия ўзини жуда мағрур тутди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Гап шундаки, Россия билан Грузия муносабатлари кескинлашгани арафасида Фарб дунёси Тбилиси ҳукумати га жуда катта маънавий кўмак кўрсатди. Хусусан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг факулдада мажлиси чақирилган пайтда Москва «Грузиянинг ифвогарона ҳаракатларини» қораловчи резолюция лойиҳасини овозга қўйди. Унинг айрим бандларига ўзгартириш қилини талабини қўйган АҚШ қарши чиқиб, лойиҳани барбод қилди. Америка делегацияси таклиф этган тўзатишлар эса резолюция моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. Вето ҳуқуқига эга давлатлардан Буюк Британия ва Франция томонидан қўллаб-қувватланган АҚШ олдига ўз паноҳидаги давлатга қарши кескин руҳдаги резолюцияни қабул қилмади. Кавказ масалаларида АҚШ ва Фарбий Европа позицияларида маълум қарама-қаршиликлар бўлишига қарамай, Россияга нисбатан доимий норозилик мавжуд. Айни ҳолат «сиёсатда ҳақ эмас, аксинча, кимда ҳуқуқ бўлса, ўша ҳақ» деган иборанинг бугун ҳам қўлланилаётганига ёрқин мисолдир.

Бундан ташқари, Россиянинг «инқилобчи» раҳбарлари томонидан ташланган қадам шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган Россия — Грузия муносабатларини янада чигаллаштириб юборди. Кузатувчилар бир овоздан Саакашвилини пароканда мамлакатни ҳалокат сари етаклашда айблай бошладилар. Гап 5 миллиардлик грузин халқининг ночор ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғирлашиб бораётгани ҳақида кетмоқда. Яъни Россиянинг расмий Тбилисис нўрнин хатти-ҳаракатларидан сўнг иқтисодий жазо чораларини қўллашга киришганлиги Грузия иқтисодиётига болта уриш билан тенг, албатта.



ТБИЛИСИНING ҚУРОЛ-ЯРОҒ СОТИБ ОЛИШГА САРФЛАЁТГАН ХАРАЖАТЛАРИ 2,5 БАРОБАР ОШГАН

риқанинг кўмаги салмоқли бўлапти. Тинчлик муаммоларини ўрганиш Стокгольм халқаро институти маърузасига қўра, Тбилисининг қурол-яроғ сотиб олишга сарфлаётган харажатлари 2,5 баробарга ошган. Мудофаа вазирлигининг 2006 йилги бюджети эса 341 миллион долларни ташкил этган. Бунча маблағ албатта атиги 30 миңлик армия учун улкан молия саналади. Қолаверса, АҚШ ҳарбий дастур доирасида Грузияга 77 та оғир ҳарбий техника- зирҳли машина ва танклар тақдим этган. Ушбу дастур Америка солиқ тўловчилари ҳисобидан 64 миллион долларга тушди. Сиёсатшунос Зураб Тодуанинг фикрича, америкаликлар Исроил Яқин Шарқда ўйнаётган ролни Грузия Кавказда ўйнашни истайдилар. Дарҳақиқат, ўта қуролланган Исроил давлати ёрдамида Америка бутун Яқин Шарқни назорат қилмоқда. Грузия ҳам шундай плацдармга айланиши керак. Бунинг ортидан жуда катта миқдордаги доллар АҚШга оқиб келади. Биринчидан, Кавказ усти-дан назорат ўрнатиш йўли билан Озарбойжон ва Қозғоғистон нефтининг ақсарият қисми Боку-Тбилиси-Жайхон қувурлари орқали Фарба экспорт қилинишига ёришиш имконияти туғилади. Бу ҳол XXI асрнинг қиёфасини, шубҳасиз, энергетика захиралари белгилайди, деган ақида нақадар тўғрилигини исботлайди. Иккинчидан, унинг жўғрофий жойлашуви ўта муҳим стратегик аҳамият касб этади. Масалан, Эрон ёки бошқа Яқин Шарқ мамлакатлари Грузиядан унча узок масофада эмас. Агар Вашингтон бу ерда мустақам ўрнатиш олдса, у ҳолда Грузия бундан кейинги юришларда асқотади. Ёдингизда бўлса, яқин вақтларга Вашингтон Абхазия ва Жанубий Осетия можаросининг тезроқ ечилишига бу қадар шошилмаганди. Шу билан имкони борича тезроқ Россиянинг Грузия билан муносабатлари чигаллашувини истарди. Ана шу жараён якунидир. Энди иккала можаронинг тезроқ Тбилиси фойдасига ечилиши Америка манфаатларига тўла жавоб

берилади. Россияпараст Абхазия ва Жанубий Осетия Боку-Тбилиси-Жайхон нефть қувурлари хавфсизлигига таҳдид солмайди, бироқ АҚШ Грузияда кучли тартибот ўрнатишни истайди, дейишмоқда таҳлилчилар. Мустақиллиги тан олинмаган иккита республика эса кучли беқарорлик омилдир. Бу муаммолар ечилмас экан, Грузиянинг бирор-бир президенти ўз курсида мустақам ўтира олмайди.

Бугун Россия билан муносабатларни чигаллаштириш ҳам жуда яқин бўлишига ҳақиқат тўхталиб ўтиш жоиз. Тез орада Грузияда маҳаллий ҳокимият органларига сайлов бўлади. Ҳокимият партияси эса олдин берган сайловда ваъдаларининг бироғотини ҳам бажаролмагани боис тушиб кетган рейтингини кўтариш пайида. Президент сайлови ҳам яқинлашиб қолди. Саакашвилининг бир йил ичида мамлакат ҳудудий яхлитлигини таъминлашга берган ваздаси грузинлар ёдидан кўтарилгани йўқ. Маълумки, кучли ташқи душман қиёфасини яратибгина мамлакат аҳолисини бирлаштириш мумкин. Шунинг учун ҳам Саакашвили гоҳ БМТ минбарлари орқали Фарба экспорт қилинишига ёришиш имконияти туғилади. Бу ҳол XXI асрнинг қиёфасини, шубҳасиз, энергетика захиралари белгилайди, деган ақида нақадар тўғрилигини исботлайди. Иккинчидан, унинг жўғрофий жойлашуви ўта муҳим стратегик аҳамият касб этади. Масалан, Эрон ёки бошқа Яқин Шарқ мамлакатлари Грузиядан унча узок масофада эмас. Агар Вашингтон бу ерда мустақам ўрнатиш олдса, у ҳолда Грузия бундан кейинги юришларда асқотади. Ёдингизда бўлса, яқин вақтларга Вашингтон Абхазия ва Жанубий Осетия можаросининг тезроқ ечилишига бу қадар шошилмаганди. Шу билан имкони борича тезроқ Россиянинг Грузия билан муносабатлари чигаллашувини истарди. Ана шу жараён якунидир. Энди иккала можаронинг тезроқ Тбилиси фойдасига ечилиши Америка манфаатларига тўла жавоб

ўйнаши мумкин. Абхазия ва Жанубий Осетия фуқароларининг кўпчилиги Россия паспортга эгалигини ҳисобга олсак, бу республикаларда бошланган уруш Россияга қарши қаратилган хатти-ҳаракат сифатида баҳолашни аниқ. Шунинг ҳам Жанубий Кавказдаги аҳвол хатарли тус олган. Ўйламай қўйилган ҳар бир қадам қуроли можаго олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мана шундай шароитда ҳам Россия президенти Владимир Путиннинг Ботуми ва Ахалкалакидаги ҳарбий базалардан қўшинлар ва ҳарбий техника олиб чиқиш жараёни давом эттиришга берган буйруғи Москва халқаро ҳам-жамият олдидидаги ўз ваъдаларини бажараётганидан далолат беради. Лекин Тбилисининг хатти-ҳаракатлари Россияни санкциялар қўллашга мажбур этади.

РФ Транспорт вазирлиги Грузия билан авиация, автомобиль, денгиз ва темир йўл алоқасини тўхтатиш ҳусусида қарор қабул қилди. Қолаверса, грузин меҳнат муҳожириларини Россиядан чиқариб юбориши ва Грузияга улар ишлаб тошган пул маблағлари жўнатишни тўхтатиш борасида чоралар кўриш масаласи ўрганилаётганини инобатга олсак, Тбилиси бюджетига катта зарар қўриши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бинобарин, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг 40 фоизга яқини Россияда тирикчилик қилмоқда.

Россия Давлат Думаси спикери Борис Гризловнинг айтишича, Грузия фуқаролари 2005 йилда расман 350 миллион долларни Россиядан ўз ватанларига жўнатишган. Норасмий маълумотларга қараганда, бу маблағ уч баробар юқори, яъни 1 миллиард доллар атрофида. Грузиянинг йиллик бюджети ўртача 6 миллиард доллар атрофида эканини инобатга олсак, бу яқин ички маҳсулотнинг 5,5 дан 15 фоизигача демакдир. Демак, Россия грузин муҳожириларини чиқариб юбориш сиёсатини олиб боради.

РОССИЯ

“Независимая газета” экспертларнинг “2006-2008 йилларда АҚШнинг Россияга нисбатан эҳтимолдаги чоралари сценарийси” деб номланган ёпиқ ҳисоботини ошкор этди. Ўтган ҳафтада Давлат Думасига ҳавола этилган ушбу ҳужжатни собиқ Иттифоқ даврида катта лавозимларни эгаллаб келган Валентин Фалин ва истеъфодаги генерал-лейтенант Геннадий Евстафьев тайёрлаганлар.

Вашингтон сиёсати қандай бўлади?

Ҳисоботнинг қисқача мазмуни куйидагича: Оқ уйга хоҳ демократлар, хоҳ республикачилар келишидан қатъий назар, яқин йиллар мобайнида Россия ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ёмонлашиб бораверади. Америка Россия олий раҳбариятини яқалатиб қўйиш ва рангли инқилоб орқали сўл қарашдаги вакилни ўз “одами” сифатида Кремлга олиб келишига уринади. Бундан ташқари, Вашингтон Россиянинг энергетик суверенитетига раҳна солишда ва унинг ҳудудидаги тарқоқлик жараёнларини қўллаб-қувватлашда давом этади. Москвадан МДХ доирасидаги ташқи сиёсатини Грузия ва Украинанинг НАТОга аъзо бўлишни тезлаштириш орқали йўққа чиқаришга интилади. Хусусан, Кремлнинг иттифоқдошлари — Ўзбекистон, Беларусь, Қозғоғистон ва Арманистонга Оқ уй босими қўяди.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳисоботнинг чоп этилиши Россия-АҚШ муносабатларига салбий таъсир кўрсатмайди. Унинг муаллифлари айни пайтда сиёсатчи эмас, балки ташқи сиёсат фахрийлари ҳисобланадилар. Россияда бундай ҳисобот биринчи марта чоп этилаётган бўлса, АҚШда бу — сиёсий маданиятнинг бир қисми. Фалин-Евстафьев иши АҚШ Халқаро муносабатлар кенгашининг шу йил март ойида чоп этган “Россиянинг нотўғри йўли” ҳисоботига жавоб бўлса, ажабмас.

БМТ

ВВС News хабарига қўра, БМТнинг янги Бош котиби номзодига овоз беришнинг тўрттинчи рейтинг босқичи натижаси Жанубий Корея ташқи ишлар вазири Пан Ги Муннинг голиб чиқиши имконияти жуда катта эканлигини кўрсатди. Унинг номзоди учун Хавфсизлик Кенгаши 15 аъзосидан 14 таси овоз берди, биттаси бетараф қолди. Жаноб Муннинг номзодини Ўзбекистон ҳам қўллаб-қувватлаётган эди.

Биз ёқлаган номзод

Шундай қилиб, 40 йиллик дипломатик фаолиятга эга 62 яшар сиёсатчи 31 декабрь куни ваколати тўғридаги Кофи Аннан ўрнини эгаллайдиган қўринади. Келгуси ҳафтада Хавфсизлик Кенгашида расман овоз бериш маросими бўлиб ўтади, голиб номзод Бош Ассамблеяда тасдиқланади. Ўз давлати Ташқи ишлар вазирлигини Пан Ги Мун 2004 йилдан бундан бошқариб келади. У БМТда ҳам Бош Ассамблея раиси котиби бўлиб ишлаган. Корея яриморали ядро муаммоларида ва барча турдаги ядро синовларини тақиқлаш битими лойиҳасини ишлаб чиқишда у ўзини моҳир дипломат сифатида кўрсатди. Жаноб Мунни юқори доираларда “муроса устаси” деб бежиз аташмайди.

АҚШ

АҚШ матбуоти Пенсильвания штатида бир эркак диний мактабининг беш ўқувчисини отиб ташлагани ҳақидаги хабарни тарқатди. Илк тадиқотлар натижаси Чарльз Карл Робертс бу жиноятни хотинидан ўч олиш мақсадида қилганини кўрсатмоқда.

Етти кунда уч қотиллик

31 яшар Робертс мактаб биносига бостириб кириб, синфдаги ўқитувчи ва барча ўқувчиларни гаровга олиб, уяли телефондан хотинига кўнгирик қилган. Бу ишни у “20 йил аввалги ҳодиса” учун қасос сифатида амалга ошираётганини айтган. Воқеа жойига полиция етиб келганда, Робертс 6 дан 13 ёшга бўлган ўқувчи қизларни қолдириб, қолганларини чиқариб юборган. У уч қизни ва ўзини отиб ўлдирган, оғир жароҳат билан касалхонага ётқизилган етти қиздан икки нафари вафот этди.



ХОЛИС ФИКР

СЎНГИ САҲИФА

ДУНЁ — бир кўзгу, у ҳар кимга ўз тасаввурини қайта кўрсатиб беради

TOSHKENT OPEN-2006

ТЕННИС

Ирода чоракфиналда!

Тошкент теннис марказида бўлиб ўтаётган анъанавий Sony Ericsson WTA Toshkent Open-2006 халқаро турнирининг кеча ўтказилган баҳсларида тайландлик рақибини энгшига муваффақ бўлган Ирода Тулаганова чоракфинал йўлланмасини қўлга киритди

■ Шухрат Хўжаев



Шухрат РАХИМОВ оғрин сураётган

Дастлаб (1996 йилда) "Челленжер" таснифидан ўрин олган, 1999 йилда эса WTA (профессионал теннисчи хотин-қизлар федерацияси) тасарруфига киритилган Toshkent Open турнири келажакда теннис оламида юксак шохсупаларни банд этадиган ёш истеъодларни етказиб берувчи мусобақа мақомига эга бўлиб бормоқда.

Гапимизнинг исботи сифатида хамюртимиз Ирода Тулаганова 2000 йили Toshkent Орепда тенгсиз бўлганидан сўнг WTA таснифидан кўнгилдагидек на-

тижаларга эришиб, кўп ўтмай, жаҳоннинг 30 нафар кучли ракеткалари қаторидан жой олганини, мазкур мусобақанинг ўтган йилги баҳсларида анча кучли рақибларга нисбатан муносиб қаршилик кўрсатиб, финалгача етиб келган Окгул Омонмуродованинг айнан мазкур ютуғидан кейин қўлга киритилган теннисчилари орасида ўзига хос максада эга бўлганини айтиб ўтиш мумкин.

Коллаверса, ўтган йилларда Toshkent Open турнири хитойлик На Ли, америкалик Мейган Шонесси, россиялик Елена Деметтёва, Анастасия

Мискина ҳамда Динара Сафина сингари қатор теннисчиларнинг фаолиятида туб бурилиш ясаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

— Ўзбекистонлик ракетка усталиридан ташқари, дунёнинг 15 та давлатидан ташриф буюрган нисбатан кучли теннисчиларни бир жойга тўплаган, мукофот жамғармаси 145 минг АКШ долларини ташкил этувчи ушбу мусобақанинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда, десак, муболага бўлмайди, — деди қўра ташлаш марсимидан сўнг журналистларнинг саволлари-

га жавоб берган Toshkent Open турнири директори жаноб Утрапати. — Ишончим комилки, бу йил ҳам қизиқарли ўтиши кутилаётган беллашувлар нафақат Марказий Осиё, балки китъа миқёсидаги теннис оламида муҳим воқеа сифатида муҳлиниб қолади.

Дарҳақиқат, дастлабки кунларданок, жаноб Утрапати айтганидек, матчлар муросасиз курашлар остида ўтиши ойдинлашди. Жумладан, якка баҳсларда мусобақанинг кучли теннисчиларидан бири Мария Елена Камерин (Италия)

рейтингнинг 304-погонасида бораётган хитойлик Жинг Ренни икки ярим соат дағанда бир амаллаб (6/1, 5/7, 7/5) мағлуб этган бўлса, жароҳати туфайли дейрли уч йил давомида катта кўртга чиқмаган Ирода Тулаганова жаҳон рейтингининг 68-погонасини эгаллаб турган беларуслик Анастасия Якимовани 6/3, 7/6 ҳисобида мағлуб эта олди.

Кеча ўтказилган иккинчи босқич учрашувларида эса тайландлик Тамарин Танасунгардан 6/4, 6/1 ҳисобида устун келган Ирода биринчи галаба тасодифан қўлга киритилганини амалда исботлади. Эслатиб ўтиш жоиз: айнан Т.Танасунгарн биринчи босқичда яна бир теннисчидан Окгул Омонмуродованинг йўлини тўсишга эришганди.

И.Тулагановадан ташқари, шу кун рақибларидан устун келган икки россиялик теннисчи Елена Есенина ва Анастасия Родионова, шунингдек италиялик М.Камерин чоракфинал масаласини ҳал қилишга муваффақ бўлишди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи финал учрашувлари жуфтликлар ўртасида 7 октябрь, "яккаҳон"лар ўртасида эса 8 октябрь кунини ўтказилади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

9-15 октябрь

КҮЙ. Чоршанба кунини техниканинг панд бериши оқибатида ишингизда узилдишлар бўлса-да, жумлада бетақдор истеъдодингиз ёрдамида катта ютуқларга эришишингиз мумкин. Яқшанба кутилмаган соғваларга бой бўлиши кутилмоқда.

БУЗОҚ. Сешанба кунини ўз ташаббусингиз билан ташкил-лаштирилган тадбир бироз кечикиб бошланади. Бироқ айнан сизнинг фойдангизга яқунланади. Пайшанба кунини қилган харидингиз билан оилангизнинг барча аъзоларини хушнуд этасиз.

ЭГИЗАКЛАР. Ҳафта сиз учун, афсуслик, омадсиз бошланади: сешанба кунини соғлигингиз ёмонлашади, устига-устак, айнан ўша пайтда мутасадди идора ходимлари иш жойингизда текширувлар ўтказиб, асабингизга тегадилар. Жума кунини астойдил меҳнат қилган ҳолда кўп нарсага эришишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Қўлингиз теккан ишларнинг барчаси ҳафта давомида муваффақиятли яқун топилиши кутилмоқда. Айтилик: чоршанба кунини яқинларингиздан бирини яқини ишга жойлаштириб қўйсангиз, яқшанбада чин дўст бўлишга лойиқ инсон билан танишасиз.

АРСЛОН. Пайшанба кунини эришган муваффақиятингиз билан ниҳоят раҳбарият эътиборини қозонасиз. Шанба кунини музокараларда тилингизга эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда катта манфаат қўриладиган қелишувни барбод этишингиз мумкин.

ПАРИСОД. Ҳафта мобайнида четдан камдек қўринган, аммо аслида катта ҳажмдаги ишларни бажарасиз. Масалан, жума кунини таълим соҳасида юқори натижаларга эришишингиз, шанба ва яқшанба кунини қўриладиган уйингизнинг томини хашар йўли билан ёпишга муваффақ бўласиз.

ТАРОЗИ. Келаси ҳафтанинг сешанбасида ижод билан шуғулланувчи "тарози"лар илҳомбахил лаҳзаларни бошдан кечириши, техник ходимлар эса замонавий жиҳозларга эга бўлишлари кутилмоқда. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи бурж вакиллари учун шанба омадли келади.

ЧАЁН. Ҳал қилинадиган шахсий муаммоларингиз бўлса, "бу фақат ўзимга тегишли" деб ичингизни кемириб юрманг. Аксинча, имкони борича катталар билан маслаҳатлашинг, ён-атрофингиздагиларга ёрилинг. Чоршанба кунини фарздларингиз билан бирга маънавий ҳордиқ чикиришга, шанба кунини уй ишларини битиришга ҳаракат қилинг.

УҚАТ. Ҳафта аввалида бошланган "уйин"да шартли рақибингиз устидан чоршанба кунини ажойиб галабага эришишингиз, ўз навбатида ушбу янгилик билан барча яқинларингизни хурсанд қилишингиз кутилмоқда. Шунга қарамай, ўзингизни камтарроқ тутганингиз маъқул бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ҳафта бошидаги оворасарчиликлар тез орада ўзини оқлайди: чоршанба кунини эришган ютуқларингиз звазига қўлдан-қўл мактовларга қўмиласиз. Аммо ана шу обрўни доимо сақлаб қолишни истасангиз, эҳтиёт чораларини қўриб қўйинг. Акс ҳолда айтилган барча тасаннўлар бир пўл бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

ҚОВҒА. Корхонадаги ишлар юришиб кетсин, десангиз, малакали кадр ва қўшимча ишчи кучи топишга ҳаракат қилинг. Рақобат майдонидаги ғанимларингизга нисбатан (гарчи улар сизга тиш қайраб турган бўлсалар-да) оқилона ва одилона муносабатда бўлинг. Соғлигингизга эътибор қаратинг.

БАЛИҚ. Ҳафтани "Режали иш — бежогли" шиори остида ўтказишга ҳаракат қилинг. Янгиликка интилиб яшанг. Жумладан, юриш-туришингиз ва кийинишингизни ўзгартиринг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ўз яқинларингиз билан орадаги алоқани тубдан яхшилашга муваффақ бўласиз.

БУ АЖИБ ДУНЁ

Ишониш қийин, аммо ҳақиқат...

- Ҳеч қандай бутун коғоз бўлагини етти мартадан ортиқ тенг иккига бўкиб бўлмайди.
- Инсон уйку давомида телевизор томоша қилиш пайтидаги нисбатан кўпроқ қувват сарфлар экан.
- Бир тола соғлом соч уч килограмм юкни кўтара олиши мумкин.
- Микки Маус ижодкори Уолт Дисней ҳаёт пайтида сичқондан кўрққан.
- Урдақнинг қағиллаши номаълум сабабларга кўра акс-садо бермайди.
- Аёллар эркакларга нисбатан икки марта кўпроқ кўз учирар (пирпиратар) эканлар.
- Шиллик курт уч йилгача ухлаши мумкин.
- Тимсоҳ тилини жағидан ташқарига чиқара олмайди.
- Газли ёндирғич (зажигалка) гугуртдан аввал ихтиро қилинган.
- АКШ аҳолиси бир кунда тахминан 18 гектар пицца истеъмол қилади.
- Фил сакрай олмайдиған ягона жонивор ҳисобланади.

«ПАХТА БАНК»
ФАРОВОНЛИГИНГ ЎЗ КАЛЕНДАР

ТАНЛОВ

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Чехиялик талаба — ҳаммадан гўзал

Польша пойтахтида ўтказилган Miss World-2006 танловида чехиялик Татьяна Кухаржова ғолиб бўлди.

Жами 104 нафар иштирокчи қатнашган мазкур танловнинг Варшава конгресслар залида ташкилланган финал босқичида бош соврин учун Ангола, Австралия, Бразилия, Чехия, Ямайка ва Руминия

каби мамлакатлардан ташриф буюрган 6 нафар сарқомат дилбар кураш олиб борди.

Эфир орқали дунёнинг сал кам 200 та мамлакатига тўғридан-тўғри олиб кўрсатилган ва 2 млрд.га яқин телетомошабин кўз

ўнгида бўлиб ўтган ниҳоятда қизиқарли беллашувда Чехиянинг Трнав шаҳрида туғилган, айни пайтда университетда тахсил олаётган 18 яшар Татьяна Кухаржова зафар қўчди. Иккинчи ва учинчи ўринлар тегишли равишда руминиялик Иоанна Валентина Боитор ҳамда австралиялик Сабрина Хоуссамига насиб этди.



ОБ-ҲАВО

5-11 октябрь кунлари Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ҳаво очик бўлади. Ҳарорат кечаси 6-10, кундузи 24-29 даражани ташкил қилади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво ҳарорати кечаси 8-12, кундузи 26-29 атропоида бўлади.

Фарғона водийсида эртага ҳамда янги ҳафтанинг дастлабки кунинида ёмғир ёғади. Ҳаво ҳарорати кечаси 9-13, кундузи 24-28 даражани ташкил қилади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳам вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 23-27 даража бўлади.

Тошкентда бугун кечқурун ёмғир ёғади. Қолган кунларда ҳаво очик бўлади. Ҳарорат кечаси 10-12, кундузи 24-26 даражани ташкил қилади.

DESK-INVEST
UZBEKISTAN-AUSTRIA

МЫ ВЫПУСКАЕМ:

МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦУ И ПРОФНАСТИЛ ЕВРОПЕЙСКОГО КАЧЕСТВА ИЗ РОССИЙСКОГО СЫРЬЯ

ВСЕГДА В ПРОДАЖЕ ЛИСТОВОЙ ЧЕРНЫЙ ПРОКАТ ТОЛЩИНОЙ 1.5-3.0 мм

Ташкент, ул. Шамсутдиновой, 45
Наши телефоны:
 199-56-56,
 103-20-42,
 191-01-03,
 Факс: 390-54-50

ЭЪЛОН

Моя мечта
ТОШКЕНТ YOG MOYKOMBINATI OAJQK
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТИЛАН

Лучшее для Вас от "То'htaniyoz-ota"
ГЕМЕЛЛИ
ТОШКЕНИЙОЗ-ОТА
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТИЛАН
АДРЕСА НАШИХ МАГАЗИНОВ:
1. РИНОК ҚАТАГАЙ
2. ПЛАНУЙЎЛ, БИ-МАГАЗИН
3. РИНОК ҒИРИ ТАД
4. ПЛАНУЙЎЛ, 70-МАГАЗИН

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Мухаммадосиф ТИШБАОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Аҳдам ШАДМАНОВ
Акрон АЛИМОВ
Маҳаматжон АХМЕДЖАНОВ
Мухаммадилхон ИҮЛДОШЕВ
Бахтиёр ЕҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Маъруфжон УСМОНОВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АҚРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Раъшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирождиддин САЙИИД
Шухрат НОРГИТОВ
Шухрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАХРИРИЯТ

Абдували СОЙБАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф УЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темуру АБДУРАХМОНОВ
Тоҳир МИРХОДИЕВ
Улғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмумин МАМАТРАЙИМОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР

Нигора ҲУРАЕВА
Замира АҚМЕДОВА

БЎЛИМЛАР

КОТИБИАТ
361-40-17
ПАРТИЯ ТУРМУШИ
55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА
ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИ
55-43-57
ХАЛҚАРО
МУНОСАБАТЛАР ВА
ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ
361-30-45
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА
САҲНАТ
361-21-31
ХАТЛАР, ШИҚОЯТЛАР
ВА ТАҲЛИЛ
361-31-16
ФАКС: 361-33-80

Навбатчилар:
А. СОЙБАЗАРОВ
Ш. ХЎЖАЕВ.

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Коррекция: Тошкент шаҳри,
"Буёқ Тўро" кўчаси, 41.
Буёртма рақами: Г-1267
Тираж: 11947

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
XOX ASR - иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 029 рақами билан рўйқатдан ўтган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73а-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

© XOX ASRдан олинган маълумотларда манба сифатида газетани қўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нустани назаридан фарқи қилиши мумкин.

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

БИЗНЕС ХАМКОРЛАРИМИЗ

ASR EXPRESS MEDIA

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 79-26-71;
361-33-80

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел: (998-71)361-49-52
E-mail: milapress@yahoo.com